

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎН ЕТТИ ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Саудия Арабистони майдонларида бўлиб ўтган нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, юксак соврин — Осиё кубогини қўлга киритганингиз билан халқимиз номидан, Ўз номидан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизлар каби навқирон, азму шижоатли ёшларимизнинг бутун турнир давомида биронта ҳам мағлубиятга учрамасдан, рекорд натижа кўрсатиб, жонажон Ватанимиз шарафини мардона ҳимоя қилганлари, ҳеч шубҳасиз, миллий футболимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган шонли воқеа, десак, тўғри бўлади.

Айниқса, финалда мусобақа мезбони — Саудия Арабистони каби ғоят кучли жамоага қарши кескин беллашувада турли босимларга қарамасдан, ўн бир ўйинчиға қарши тўққиз футболчи шиддатли кураш олиб борганингиз чинакам жасорат ва матонат намунаси бўлди. Сизлар намоеън этган юксак мардлик ва маҳорат ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Мусобақа якуниға кўра, уч нафар истеъдодли ва моҳир спортчимиз якка тартибдаги совринлар эгаси бўлгани, жумладан, Нейматуллоҳ Рустамжонов — турнирнинг энг яхши дарвозабони, Асилбек Алиев — энг яхши тўпурари, Садриддин Ҳасанов — энг яхши футболчиси сифатида эътироф этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Эл-юртимиз сизларнинг тимсолингизда доимо олдинга интилиб ашайдиган, юксак марраларни забт этишга қодир Янги Ўзбекистон ёшларининг энг ёрқин вакиллари кўради ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланади.

Мамлакатимизда спортга, жумладан, футбол ривожига берилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий натижаси бўлган мана шундай тарихий ғалаба учун сизларга, сизларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарингиз ва устоз-мураббийларингизга чин дилдан самимий миннатдорлик билдираман.

Сизлар ушбу ғалабадан руҳланиб, шу йил ноябрь ойида Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам Осиёнинг ғолиб жамоаси сифатида муносиб иштирок этасиз, деб ишонаман.

Бахт ва зафар сизларга доимо ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ПЕДАГОГЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 апрель куни мактаб таълими сифатини ошириш ҳамда педагоглар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим тизими ислоҳотлари устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Бу йилги Давлат дастурида ҳам мактабларда шароитларни яхшилаш, ёш авлодни билимли этиб тарбиялаш бўйича кўплаб вазифалар қўйилган.

Бу кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг билим ва малакасига боғлиқ. Ўртимизда 15 та давлат ва 61 та нодавлат олийгоҳда педагогика йўналиши бор. Лекин улардаги илмий салоҳият атиги 40 фоиз атрофида.

Қабулларнинг катта қисмини ижтимоий йўналишлар ташкил этади. Аниқ ва табиий фанлар бўйича педагоглар тайёрлаш жуда кам. Талабаларнинг 40 фоизи сиртки таълимда ўқияпти.

Шу боис, Тошкент давлат педагогика университети трансформация қилиб, Ўзбекистон миллий педагогика университетини ташкил этиш, келажак педагоглари лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Университет барча ҳудудлардаги педагогика институтлари учун таянч олийгоҳ бўлади.

“Янги Ўзбекистон” университетиди 40 дан зиёд чет эллик ўқитувчилар ва 30 нафар ватандош зиёлиларимиз фаолият юритмоқда. Талабалар ўзларининг турли йўналишлардаги лойиҳаларига жами 24,3 миллиард сўмлик грантлар жалб қилган. Бу салоҳиятдан фойдаланиб, университетда муҳандислик, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, тиббиёт каби замонавий соҳаларда мутахассислар тайёрлашни ривожлантириш, янги лабораториялар очиш режалари тақдимот қилинди.

Шунингдек, олийгоҳда илм-фан, таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш мақсадида Германиянинг илгор тажрибасидан фойдаланган ҳолда замонавий университет клиникасини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Таълим сифатини аниқлашда ҳам халқаро услублар жорий этилмоқда. Бу йил 233 та мактабдаги 9 минг нафар 15 ёшли ўқувчининг билими “PISA” халқаро дастури орқали баҳоланади.

Ҳозирги кунда 2 мингта мактаб юқори юклама билан ишлаяпти. Бу йил бюджет ҳисобидан 112 мингта янги ўқувчи ўрни ташкил этилади. Аҳоли ўсиши ҳисобига мактабларга эҳтиёж ҳам ортиб боради. Шу боис, Ислом тараққиёт банкидан 200 миллион доллар жалб этиб, ҳудудларда 58 та замонавий мактаб қуриш режалаштирилган.

Таҳсилларга кўра, мактаб ёшидаги болаларнинг 80 фоизи интернет ва ижтимоий тармоқларда фаол. Уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар олиб бориляпти. Лекин ёшлар таълим-тарбиясига кучли таъсир кўрсатадиган, қизқарли миллий контентлар яратётган ижодкорлар санокли.

Шулардан келиб чиқиб, болаларга хавфсиз ахборот муҳитини яратиш, миллий контентларни кўпайтириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР НАТИЖАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбарига инвестиция соҳасида жорий йил биринчи чоракда қилинган ишлар ҳамда навбатдаги асосий вазифалар бўйича ахборот берилди.

Давлатимизнинг фаол ташқи сиёсати ва қулай ишбилармонлик муҳити натижасида инвестициялар ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Хусусан, жорий йил биринчи чоракда 8 миллиард 700 миллион доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 20 фоизга ўсди.

Бу маблағлар эвазига энергетика, металлургия, кимё, фармацевтика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, коммунал ва ижтимоий соҳаларда кўплаб муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунда қўшилган қиймат ва иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биринчи ярим йиллик якуни билан 18 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши кутилмоқда.

Умуман, 2025 йилда 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этилиши, 81 та йирик, 8 мингдан ортқ ўрта ва кичик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Мутасаддиларга ҳар бир лойиҳа бўйича манзилли ишлаб, барча вазирлик, ҳокимлик ва тармоқ раҳбарларини жалб қилиб, тегишли масалаларни ўз вақтида ҳал этиб бориш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ҳозирги кунда дунёда юз бераётган иқтисодий тебранишлар шароитида ҳар бир инвестор билан яқиндан ишлаб, хорижий сармоялар самарадорлигини ошириш зарурлиги таъкидланди. Энг асосийси — янги инвестиция лойиҳаларини тезроқ ишга тушириб, саноат тармоқларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш ҳамда юқори даромадли иш ўринларини яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎН ЕТТИ ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ КУБОГИ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг ёрқин истеъдоди ва профессионал маҳорати, улкан азму шижоати ҳамда мустаҳкам иродасини намоеън этиб, Саудия Арабистонида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган нуфузли мусобақада мислсиз жасорат ва матонат намуналарини кўрсатгани, Осиё кубогини қўлга киритиб, ўзбек футбол тарихида янги бир шонли саҳифа очгани, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш, ёш авлодни миллий гуруру ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида фаол иштирок этиб келётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Исмоилов Исломбек Муродбек ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийси

“Келажак бунёдкори” медали билан

Абдукаримов Миразиз Эркин ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Абдуллаев Фариджон Нодиржон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Абдумўминов Азизбек Икромжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Алиев Асилбек Равшанжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Баходирхонов Муминжон Иссохон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Ботиралиев Ҳожиакбар Хайрулло ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Еримбетов Азизбек Мухаммед Али ули — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Избасканов Бахадир Махсётбаевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Махмуджонов Дилёрбек Санжарбек ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Муратов Амиржон Шухрат ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Мусаханов Мухаммадали Алижонович — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Мухаммадов Акбар Алишерович — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Рустамжонов Нейматуллоҳ Шухратжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Рустамов Жамшидбек Абдоржон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Сандмуродов Бехрўз Ғайрат ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Сарсенбаев Нурбек Рахатович — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Содиқов Сайфиддин Бахтиёр ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Фазлиддинов Абдуллоҳ Зайлиддин ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Ҳакимов Мухаммад Улуғбек ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Хасанов Садриддин Зайниддин ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Ҳабибуллаев Мухаммад Қодиржон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Шокиров Иброҳим Жамшид ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Шукруллоев Абулқасим Азиз ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

“Шухрат” медали билан

Джуроев Отабек Рустамович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Sport” ижодий бирлашмаси бош мутахассиси

Толипов Орифжон Боходирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Sport” ижодий бирлашмаси “Футбол ТВ” телеканали муҳаррири

АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ ВАТАННИ СЕВАДИ ВА ДУНЁНИ ҚАЙРАТГА СОЛАДИ

Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон терма жамоаси тарихий ғалаба билан Осиё кубогини қўлга киритди!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРИНИНГ ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида жамиятда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқийс ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, **юртимизнинг жаҳон цивилизацияси бешми сифатидаги тарихий мақоми ва нуфузини тиклаш** бўйича пухта ўйланган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Могуридий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Самарқандда Ҳадис илми мактаби, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилди. Ушбу муассасалар **“Жаҳолатга қарши маърифат”** эғзу умуминсоний ғояси асосида жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлашга, ёшларни замонавий фикрлайдиган ва буюк аждодларимизга ҳар жиҳатдан муносиб этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Шиддат билан ўзгариб бораётган бутунги мурраккаб шароитда дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар мамлакатимизда **“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”** деган халқчил таътилга асосланган ислоҳотлар тўғри эканлигидан далолат бермоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясида белгиланган вазифаларни рўйбга чиқариш, диний-маърифий соҳадаги эғзу ғоя ва ташаббусларни халқ манфаатларидан келиб чиқиб изчил давом эттириш мақсадида қарор қиламан:

1. Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

1. Куйидагилар фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

а) илм-фан ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларнинг инсонпарварлик, эзгулик, тинчлик ва бағрикенглик каби умуминсоний ва олийжаноб ғояларга асосланган диний-фалсафий меросини чуқур ўрганиш ҳамда кент тарихи этиш;

в) диний-маърифий соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш орқали замон талабларига мос мутахассисларни етиштириш;

г) аҳоли орасида бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-қўйбат руҳини кучайтириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган долзарб илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

д) диний-маърифий соҳадаги халқаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш.

2. Диний-маърифий соҳа фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамиятда виждон эркинлигини кафолатлаш, диний бағрикенглик, фуқаролараро тотувлик ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида **“Бағрикент жамият — барқарор давлат”** тамойили асосида Дин ишлари бўйича қўмита билан (кейинги ўринларда — Қўмита) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг янги ҳамкорлик тизими йўлга қўйилсин.

Қуйидагилар ҳамкорлик тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, асосий вазифалари ва принципларини қатъий амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

б) фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини таъминлаш, жамиятда турли диний конфессиялар вакилларининг ўзаро аҳил-иноқ ва ҳамжиҳат ҳаёт кечиришини қўллаб-қувватлаш;

в) Ўзбекистон аҳолисининг дини, эътиқоди, миллий мансублиги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ рўйбга чиқара олишини таъминлаш;

г) динга бўлган муносабатидан келиб чиқиб устунилик бериш, камситиш ва виждон эркинлиги кафолатлари бузиллигининг бошқа ҳар қандай кўри-нишларининг олдини олиш.

Қўмита бир ой муддатда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда ҳамкорлик тизимининг механизмларини белгилловчи қўшма қарорни тасдиқласин.

Давоми 2-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ФУҚАРОЛАРНИНГ ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ХУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАХКАМЛАШ ҲАМДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

II. Диний-маърифий соҳанинг институционал асосларини такомиллаштириш

4. Фуқароларнинг ибодатлар ва диний расм-русумларни амалга ошириши учун қўшимча қулайликлар яратиш, “Ҳаж” ва “Умра” зиёратларига бориш билан боглиқ хизматларни кўрсатиш жараёнида ортиқча бюрократик тартиботларни бартараф этиш мақсадида Қўмита ва Рақамли технологиялар вазирлиги 2025 йил 1 сентябрга қадар “Ҳаж ва Умра ягона портали”ни (кейинги ўринларда — Портал) ҳамда унинг мобил иловасини ишлаб чиқсин.

Белгилансинки:

а) Портал “Ҳаж” тадбирларига боровчи фуқароларнинг ягона электрон навбати ҳамда “Умра” тадбирларига юбориладиган зиёратчиларнинг электрон рўйхати шакллантириладиган тизим ҳисобланади;

б) Порталда “Ҳаж” ва “Умра” фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва расмийлаштириш билан боглиқ жараёнлар рақамлаштирилади;

в) вазирлик ва идоралар Қўмита сўровига кўра ўзининг ахборот тизимлари Порталга интеграция қилинишини таъминлайди;

г) Қўмита Портал фаолиятини молиялаштиришга, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, алоқадор давлат ва нодавлат ташкилотлар учун фойдаланиш имкониятини яратишга масъул давлат органи ҳисобланади;

д) Қўмита “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш лицензиясига эга юридик шахслар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Порталдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Қўмитанинг Ўзбекистон халқаро ислом академиясини **Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси** (кейинги ўринларда — Академия) этиб қайта номлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Академия исломшунослик ва диншунослик соҳаларида мутахассисларни ҳамда ўқув дастури, қўлланма ва дарсликларни тайёрлашга ихтисослашган таянч давлат олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилансин.

6. Куйдагилар Академиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) исломшунослик, диншунослик, дин психологияси, ислом иқтисодиёти, манба шунослик, халқаро муносабатлар ва эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш;

б) таълим жараёнида илгор педагогик технологияларни, илм-фан ва техниканинг

сўнгги ютуқларини ҳамда етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларини жорий этиш;

в) виждон эркинлиги ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш, радикаллашув, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсатининг асосларига оид илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

г) диний-маърифий йўналишда илмий, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, интернет тармоғида таълим ресурсларини жойлаштириш ва мунтазам янгиллаб бориш;

д) талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш;

е) мамлакатимизда ва хорижда диний соҳада фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

7. Академияга куйдаги ҳуқуқлар берилсин:

а) ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган юқори малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгиллаш;

б) Қўмита билан келишган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати-ни тегишли йўналиш ва мутахассисликлар бўйича давлат олий таълим муассасаларида белгиланган базавий тўлов-контракт қийматидан уч баравардан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиллаш;

в) талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгиллаш ва узайтириш;

г) етук хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда Академия вакиллари хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига малака ошириш ва тажриба ортириш учун юбориш;

д) ўз грфи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш.

8. Белгилансинки, Академияга ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағларнинг етишмаган қисми давлат олий таълим муассасаларини сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида тасдиқланган бюджет параметрларига тегишли ўзгартириш киритиш орқали қопланади.

9. Қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Малака

ошириш марказини Дин ишлари бўйича қўмита хузуридаги **Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти** (кейинги ўринларда — Институт) сифатида қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Белгиллаб қўйилсинки:

а) Институт ислмошунослик, диншунослик, давлат ва дин муносабатлари асослари, шунингдек, радикаллашувнинг олдини олиш йўналишларида диний соҳада мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга масъул муассаса ҳисобланади;

б) барча таълим ташкилотларининг исломшунослик ва диншунослик фанлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш Институт томонидан амалга оширилади;

в) таълим жараёни сифатини ошириш ҳамда таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида Институт сўровига асосан дарсларга тегишли вазирлик, идора, илмий-тадқиқот ва таҳлил марказларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари жалб этилади;

г) Институт қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Малака ошириш марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вори-сис ҳисобланади.

10. Академияга қарашли Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани, Зарбулоқ кўчаси, 14-уй манзили бўйича жойлашган ётоқхона биноси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Институтга бепул ўтказилиши таъминлансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу бинони сақлаш учун Ўзбекистон халқаро ислом академиясига 2025 йил учун ажратилган бюджет маблағларининг қолдиқ қисмини Институтга ўтказиб берсин, 2026 йилдан бошлаб эса бинони сақлаш билан боглиқ харажатларни Институтнинг харажатлар сметасида режалаштириб борсин.

11. Қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлигининг Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази муассислигида **Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот марказини** ташкил этиш ва куйдагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгиллаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандийлик тариқати алломаларининг юксак инсонпарварлик ғояларини илмий асосда ўрганиш, ёш авлодни бағрикенглик ҳамда ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш;

б) тасаввуф таълимоти тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш, “Етти пир” алломалари ва азиз авлиёларнинг бой илмий-маънавий меросини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш;

в) нақшбандийлик таълимотининг эзгу ғояларини тадқиқ этиш учун илмий-назаранг ва услубий масалаларга бағишланган анжуман, конференция, кўргазма, семинар-тренинг, танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

г) тасаввуф таълимотининг илмий асосланган ғояларини тарғиб қилиш, сохта тариқатчиларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

12. Қўмита ва Академиянинг Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази исломшунослик йўналишидаги илмий тадқиқотларни ҳамда дин билан боглиқ жараёнлар бўйича таҳлилларни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилансин.

13. Куйдагилар Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

а) Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби буюк аллома аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш, жаҳон илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини халқимиз, айниқса, ёшларга етказиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ҳудудида рўй берган Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий пойдеворини яратишда иштирок этиш;

б) ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг оммага, жумладан, халқаро жамоатчиликка етказиш;

в) диний таълим муассасаларига илмий-тадқиқот ва ўқув-услубий масалаларда ҳамда педагог кадрлар ва диний ходимларнинг малакасини ошириб боришда амалий ёрдам кўрсатиш;

г) ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асрашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳа ва ташаббусларни ишлаб чиқиш.

14. Диний-маърифий соҳадаги ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини

ошириб бориш мақсадида доимий асосда фаолият кўрсатувчи **Диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий-тадқиқотга оид фаолиятни мувофиқлаштирувчи кенгаш** (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

а) Мувофиқлаштирувчи кенгаш диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий-тадқиқот ишларининг барча жараёнларини мувофиқлаштириш масалаларига масъул бўлган маслаҳат органи ҳисобланади;

б) Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи вазифасини Қўмита амалга оширади;

в) Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Академия ва бошқа диний-маърифий муассасаларнинг таълим ва илмий-тадқиқотга оид фаолияти мувофиқлаштирилади;

г) Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлислари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

15. Куйдагилар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) **“Учинчи ренессанс — Янги Ўзбекистон”** ғояси асосида буюк аждодларимиз илмий меросида улуғланган ватанпарварлик, бағрикенглик каби умуминсоний ғояларни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш йўналишларини белгиллаш;

б) диний-маърифий соҳадаги муассасалар фаолиятини чуқур ўрганиб бориш, ўқув-тарбия жараёнига илгор ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, инновацион ишланмаларни татбиқ этиш ҳамда илмий ва услубий фаолиятини мувофиқлаштириш;

в) соҳа ташкилотларида тўпланган илмий-услубий ишланмалар ва тажрибаларни таҳлил этиш асосида улардаги таълим мазмунини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқишда узвийлик тамойилларини таъминлаш;

г) республиканинг барча таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бажара

риладиган диний мавзудаги тадқиқотлар (диссертациялар)нинг мавзу ва йўналишларининг аҳамияти, долзарблиги юзасидан тегишли тавсияларни бериш.

III. Диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш

16. Республикада истиқомат қилувчи турли дин вакиллариининг Янги Ўзбекистон тараққиётига дахлдорлик ҳиссини ошириш, жамиятда конфессиялараро товулик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Қўмитанинг **Конфессиялар ишлари бўйича кенгаш** (кейинги ўринларда — Кенгаш) фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин. Бунда куйдагилар инобатга олинсин:

а) Кенгаш таркибига сиёсий арбоблар, жамоатчилик фаоллари, диншунос олим ва мутахассисларни кузатувчи сифатида киритиш;

б) Кенгашга диний конфессияларнинг муаммолари бўйича давлат ва нодавлат ташкилотларга сўров, мууроаат ва тавсиялар юбориш ҳуқуқини бериш;

в) Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида ҳудудий кенгашлар ташкил этиш;

г) Кенгаш томонидан турли конфессияларга оид диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари ўртасида спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш.

Кенгашнинг янгиланган таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш

17. Қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Дин ишлари бўйича қўмита раиси С.Д.Тошбоев белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2025 йил 21 апрель



Мамлакатимизда маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш, тизимни босқичма-босқич ривожлантириш, молиявий имкониятларини янада кенгайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўриломоқда. Маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича аниқ механизмлар белгиланиб, қўшимча куч ва имкониятлар тақдим этиляпти, ваколат ҳам, масъулият ҳам куйи тизимга туширилмоқда.

Натижада маҳалла ҳар бир оила, инсон муаммоси, дард-ташвишига чуқур кириб бора оладиган халқчил тузилма сифатида янада фаоллашди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат “маҳалла еттилиги” ташкил қилиниб, ягона жамоа сифатида ишлаш тартиби жорий этилди. Бугун 9452 та маҳаллада “маҳалла еттилиги”нинг 57 мингдан зиёд аъзоси фаолият юритмоқда.

Ўтган даврда “маҳалла еттилиги” томонидан аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқарттириш, жиноят-чиликнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оилаларда тинчлик-тотувлик ва ҳамжihatлиликни тарғиб этиш мақсадида кенг қамровли ишлар қилинди. Жумладан, уларнинг бир йиллик фаолияти давомида қарийб 5000 та маҳалла жиноятчилиги, 3000 га яқин оилавий ажралиш, 1795 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди. Аҳоли муурожаатларининг қарийб 80 фои-

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК АСОСИДА САЙЛАНАДИГАН ОҚСОҚОЛЛАР МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ВИЖДОНИГА АЙЛАНДИ

зини маҳалланинг ўзида ҳал этиш тизими йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида қийналган, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, улардаги ишсизлар бандлигини таъминлаш бўйича тизимли иш қилиняпти. Бу йўналишда биргина 2024 йилда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, маҳаллалар кўмағида 754 мингдан зиёд ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди, 194 мингга яқини тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, 472 мингдан ортигига кредит ва 48,2 мингга субсидия ажратилди. 165 минг 729 киши, жумладан, 69,6 минг хотин-қиз ва 96,1 минг ёш касб-хунар, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди.

Сайхунобод, Зарбдор, Ёғдудов, Уйчи тажрибаси асосида хонадонларда томорқадан қўшимча даромад олиш тизими йўлга қўйилди. Ижтимоий дафтарларга киритилган қарийб 228 минг юртдошимизга моддий ёрдам берилди.

Ўтган йили Самарқандда аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрнига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда мамлакатимизда маҳалла тизимида эришилаётган ана шундай ўзига хос натижалар алоҳида эътироф этилди. Бу борадаги миллий тажрибамиз ўрганиш ва кенг тарғиб этишга лойиқ деб топилди.

Шундай хайрли ишлар бардавом бўлиши ва янги босқичга кўтарилишида маҳалла тизимида ишлайётган ҳар бир му-



тахассиснинг ўрни бор. Хусусан, маҳалла раислари фаолияти бу борада муҳим ўрин тутади. Шу боис, маҳалла оқсоқоли лавозимига муносиб номзодларни сайлаш ва улар фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш доимий эътиборда. “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”-ги қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ваколат муддати 5 йилга узайтирилгани замирида ҳам ана шундай мақсад мувожассам.

Жорий йил май-июль ойларида бўлиб ўтadиган маҳалла раислари сайловини янгича демократик тамойиллар асосида, очилик ва ошкоралик, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш принципларига хос тарзда ўтказиш бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга.

— Қонунчилигимизга киритилган ўзгарттиришларга мувофиқ, маҳалла раиси сайловини ўтказиш муддатини белгиллаш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва

Тошкент шаҳри кенгашлари ваколатига ўтказилди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари — Сайловни ўтказишга кўмаклашувчи штаб раҳбари Жавдатхон Иноғомов. — Ушбу ўзгариш жойлардаги маҳаллаларнинг маҳаллий вакилилик органи билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга ёрдам беради. Бундан қўзланган асосий мақсад маҳалла раиси сайловига тайёргарлик тадбирлари, ўтказиш муддатлари ва тартибини белгилловчи ваколатларни номарказлаштиришдир.

Қонунга киритилган муҳим ўзгарттириш ва қўшимчалар фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш, сайловга тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартибини белгилловчи ваколатларни номарказлаштириш, фуқаролар йиғинлари раисларининг билим ва қобилиятини тўлиқ намойён этишига хизмат қилади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотига кўра, айни кунларда фуқаролар йиғини раислари сайловига қизғин тайёргарлик кўриломоқда. Сайловни миллий қонунчилигимиз тамойиллари ва демократия талаблари асосида ўтказиш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида республика штаби, 14 та ҳудуд ҳамда 208 та туман ва шаҳарда маҳалла

раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар хузурида штаблар фаолияти йўлга қўйилди.

9452 та маҳалладаги ишчи гуруҳларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир маҳаллани сайловга оид тарғибот материаллари ҳамда номзодлар ва сайловга оид маълумотлар стенди билан таъминлаш кўзда тутилган.

14 та ҳудудда маҳаллий кенгашлар сессияси ўтказилиб, маҳалла раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси сессиялари қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман ва шаҳар комиссиялари тасдиқланди. Маҳалла раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича 9452 та маҳаллада фуқаролар йиғинлари вакиллар йиғилишлари қарори билан ишчи гуруҳлар тасдиқланди.

Адлия вазирлиги билан бирга жорий йил февраль-март ойларида кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар аъзолари ўқитилди. Шунингдек, уларнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича қатор услубий тавсия ва қўлланмалар, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш борасида ишчи гуруҳлар учун эслатмалар ишлаб чиқилиб, ҳудудларга етказилди.

Май-июль ойларида бўлиб ўтадиган сайловларда ишчи гуруҳлар томонидан 208 та туман (шаҳар) кўмаклашувчи комиссияси қарори билан 9452 та маҳаллада вакиллар сони белгиланди. Сайловда 2 миллион 600 мингга яқин вакил иштирок этиши кутилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОК ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ ВАТАННИ СЕВАДИ ВА ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ

Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон терма жамоаси тарихий ғалаба билан Осиё кубогини қўлга киритди!

Навқирон футболчиларимизнинг рақиб жамоа майдонидаги матонатли ўйинини, тарихий ғалабасини кузата туриб Ҳазрат Бобурнинг ушбу байти ёдимга тушиб:

“Баҳор айёмидур, дағи

йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким,
ишрат замонидур”.

Бу байтда ҳазрат соқийга хитоб этиб, энг тоза май — муҳаббатдан қалбарга қуй, баҳор байрами, йигитликнинг замонидир, дейди. Яъни баҳор уйғониш ва янги ҳаёт дечоқаси. Бу замон — йигитлик даврида қалбар муҳаббатга тўлсин, дейди. Май тимсолидаги муҳаббат илоҳий ишқ экани яхши маълум. Зеро, қалби — Аллоҳда, қўли — меҳнатда бўлган халқимиз буни яхши англайди. Юрагидан ана шундай муҳаббати бўлган кишигина футболчиларимиз каби қаҳрамонлик қила олади. Ахир митти майсани, инсонларни, еру осмонни, муҳими, ватанин севмай туриб қаҳрамон бўлиш мумкин эмас!

Президентимиз футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига йўлаган табригиди уларнинг қаҳрамонлигини бундай эътироф этди: **“Сизлар каби навқирон, азму шижоатли ёшларимизнинг бутун турнир давомида биронта ҳам мағлубиятга учрамасдан, рекорд натижа кўрсатиб, жонажон Ватанимиз шарафини мардона ҳимоя қилганлар, ҳеч шубҳасиз, миллий футболимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган шонли воқеа, десак, тўғри бўлади”.**

Тошкент аэропортида музаффар футболчиларимиз кенг жамоатчилик вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, яқинлари иштирокда тантанали кутиб олинди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг футболчиларимизга йўлаган табригини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаменти раҳбари О.Абдурахмонов Президентимизнинг тегишли фармони билан спортчилар ва уларнинг мураббийли, футбол тарғиботи йўлида фидоийлик кўрсатиб келаётган спорт шарҳловчилари давлатимизнинг юксак мукофотлари — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони,

“Келажак бунёдкори” ва “Шуҳрат” медаллари билан тақдирланганини эълон қилди.

Фармон билан футбол бўйича Ўзбекистон U-17 терма жамоаси бош мураббийси Исмоилбек Исмоилов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони, футболчиларимиз эса “Келажак бунёдкори” медаллари билан мукофотланди. Шу билан бирга, бош мураббийга Президент совғаси — Chevrolet Equinox ва ёш футболчиларимизга Chevrolet Cobalt русумли автомобиллар топширилди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар бугун юртимизда спортга, хусусан, ёшлар футболига катта эътибор қаратилаётганини эътироф этди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси спорт вазири А.Икромов, Миллий олимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари О.Умаров, Ўзбекистон футбол ассоциацияси раиси Б.Қурбонов, Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими Ш.Умурзаков ва бошқа мутаассидилар иштирок этди.

Тан олиш керак, рақиб майдони — Тоиф шаҳридаги “Қирол Фахр” стадионида ўтган ўйинда ғалаба қозониш осон бўлмади. Ўйиннинг биринчи бўлими тугаши арафасида терма жамоамиз вакиллари иккита қизил карточка олди. Оқибатда жамоамиз икки ўйинчи кам бўлиб мусобақани давом эттиришга мажбур бўлди. Бу йигитлар учун ҳақиқий синов эди. Ўша онларда футболчилар ўрнида ўзимни тасаввур қилиб кўрдим. Бутун дунё — ўриндиларни тўлдирган муҳлисларнинг катта қисми, хуштагини дам-бадам қалиб йўл кўрсатмоқчи бўлаётган ҳақам ва унга қўмақчи бўлган байроқдорлар ҳам менга... йўқ, бизга қарши турган эди. Аксита олиб, кучли дея эътироф этиладиган (спортда куч нисбий тушунча!) рақиб жамоада 11, бизда 9 ўйинчи. Шундай лаҳзаларда нима ёрдам беради, қандай куч ғалаба сари етаклайди? Албатта, муҳаббат! Бобур бобомиз айтмиш илоҳий ишқ — шу еру осмонга, муқаддас ватанга муҳаббат!

Ана шу муҳаббат ҳосиласи бўлган қаҳрамонлик сабаб терма жамоамиз икки бора рақиб дарвозасини ишғол этди. Муҳаммад Ҳасанов, Садриддин Ҳасанов ушбу голларнинг муаллифи бўлди.



Кубокнинг финал баҳсигача бўлган йўл ҳам шунчаки босиб ўтилмади. Ўзбекистон терма жамоаси илк ўйиндан токи финалгача шонли юриш қилди. Вакилларимиз ниҳоятда ажойиб натижаларни бирма-бир қўлга киритиб борди. U-17 ёш тоифасидаги терма

жамоамиз дастлаб гуруҳ баҳсларида Таиланд термасини 4:1, иккинчи турда Хитойни 2:1 ҳисобида мағлуб этди. Шу тариқа Қатарда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўллама нақд бўлди.

Гуруҳ босқичининг сўнгги турида ўсмирларимиз Саудия Арабистонини 3:0 ҳисобида, чорак финалда эса БАА терма жамоасини 3:1, ярим финалда КХДР термасини 3:0 ҳисобида енгди. Бундай натижа финалда дуч келадиган рақиб жамоани сергак тортиргани рост. Ана шу сергаклик сабаб ўйинчиларимиз турли босимларни бошдан ўтказди.

“Эй миллат кўксидан унган лолалар, Ҳақиқат синамағай, гарчи буқилди. Бу шунчаки кубок эмас, болалар, Ўйинга ўзбекнинг ори тикилди!”

Шоир Зоҳиджон Олов рост ёзди. Ўйинга миллатнинг ори тикилган эди. Азалдан бошини тик тутиб, орини ҳимоя қилган миллат болалари аждодларига муносиб авлод эканини кўрсатиб қўйди. Айни дамда янги Ўзбекистонда ёш истеъдодлар кучга тўлиб келаётганини яна бир қарра дунё аҳлига эслатиб қўйди.

Президентимиз терма жамоамизга йўлаган табригиди **“Эл-юртимиз сизларнинг тимсолингизда доимо олдинга интилиб яшайдиган, юксак марраларни забт эттишга қодир янги Ўзбекистон ёшларининг энг ёрқин вакилларини кўради ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланади”**, деди.

Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади: инсон, айниқса, навқирон авлод қалбида юртга муҳаббат қандай пайдо бўлади? Ҳа, инсон,

муман, тирик жон борки, уйига интилиб яшайди. Уни яхши кўради. Шу жиҳатдан ватанпарварлик туғма бўлади деб қараш мумкин. Аммо яна бир ўзгarmас қоида бор: жамият турфа қараш ва тафаккурдаги инсонлардан таркиб топади. Уларнинг аксари асл туйғулардан узоклашиб, ўткинчи нарсалар атрофида ўралашиб қолиши ҳам рост. Шу бонс, инсон қалби тарбияланади. Ана ўша тарбия сабаб ёшлар ватанпарварлик руҳида камол топади.

Кейинги йиллардаги ўзгаришлар, инсон қадри учун амалга оширилган ислохотлардан ана шундай эзгу мақсад кўзланган. Ушбу тарихий ўйин туйфали мамлакатимизда спортга, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий натижасини кўрдик. Бундан ташқари, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг бандлигини таъминлаш учун қилинаётган ишлар, тадбиркорлик ниятидаги йигит-қизларга берилаётган имтиёзлар ҳам шулар жумласидан. Ахир фойдала юмуш билан банд инсон қалбида бекорчи ўйларга, ёт гояларга ўрин қолмайди. Ўрни келганда ватанпарвар, элга мададор ёшларни камол топтиришда китобхонликка катта эътибор берилганини ҳам эътироф этиш керак. Президентимиз ташаббуси билан китобхон ёшларга автомобиль совға қилиш амъанга айланган. Бундан ташқари, олий таълимдаги ўзгаришлар-чи!

Таълим коррупциядан холи соҳага айлантирилди. Олий таълимнинг қамрови ошди. Айни дамда хорижда таҳсил олаётган ёшлар сафи кенгайди. Бундай ижобий ўзгаришлар ҳамон давом этмоқда. Масалан, яқиндагина нуфузли халқаро фан олимпиадалари ғолибларига тўланадиган мукофот миқдори 5 баробарга оширилди. Буларнинг барчаси ёшлар қалбида эртанги кунга ишонч уйғотди. Ана шу ишонч хотир-жамлик бахш этди. Бундай сокиллик қалбга қувват бериб, эзгу ўйларга эшик очди.

Ҳа, ватанпарварлик деган улуг туйғу ана шундай эзгу ишларнинг жамланмаси ўларок шаклланади. Ёш футболчиларимизнинг ғалабаси мисолида янги Ўзбекистоннинг ватанпарвар ёшлари камол топаётганига яна бир қарра амин бўлдик!

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ҒАЛАБА ЗАМИРИДА ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА МЕҲНАТ ТУРИБДИ

Тўлаган ИСОҚОВ, Ўзбекистон футбол фахрийлари кенгаши раиси:

— Мамлакатимизда футбол фақатгина спорт тури эмас, балки бутун жамиятни бирлаштирадиган, ёш авлодни тарбиялайдиган, миллат ифтихорини намоеън этувчи юксак қадриятга айланиб бормоқда. Сўнгги йилларда юртимизда футболни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган муҳим қарорлар, замонавий инфратузилма яратилиши ушбу қадриятнинг амалий ифодасидир.

Яқинда Саудия Арабистонида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё кубогига Ўзбекистон футболининг сўнгги йилларда қандай салмоқли йўл босиб ўтаётганини, юртимизда футболчи ёшларни тарбиялаш тизими қай даражада тўғри шаклланаётганини яна бир бор намоеън этди. Исмоилбек Исмоилов бош мураббийлигидаги ўсмирлар терма жамоамизнинг ҳар бир ўйини нафақат футбол ишқибозларини, балки бутун миллатни ягона мақсад йўлида бирлаштирди, барчага қувонч ва ифтихор бағишлади.

Кучли деб эътироф этиладиган жамоаларни маҳорат билан мағлуб этган футболчиларимиз нафақат жисмонан, балки маънан ва тактик жиҳатдан ҳам жаҳон майдонларида тўп суришга тайёр эканини кўрсатди. Қарийб бир ой давом этган Осиё кубогига бахсларининг сўнгги — ҳал қилувчи ўйини Саудия Арабистони ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида кечди. Бу ўйин йигитларимиз учун ҳақоний ирода синови бўлди, десам адашмайман.

Футбол нуқтан назаридан огир палла — икки футболчимиз майдондан четлатилган вазиятда жамоамиз руҳи синмади, аксинча, янада жипслашди, ҳар бир футболчимиз ўзини миллатимиз, байроғимиз олдида масъул деб ҳис этди. Айнан шу



масъулият ғалабани таъминлаган асосий жиҳатлардан бўлди, дейишга асосимиз бор.

Шаҳсан мен футбол ичида улгайиб, яшаётган инсон сифатида мазкур ғалабада мамлакатимизда спортга қаратилаётган юксак эътиборнинг ҳиссаси катта деб биламан. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 7 апрелдаги “Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур соҳада тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. Бу қарор орқали футбол инфратузилмаси, мураббий ва ҳакамлар тайёрлови, иқтидорли ёшларни саралаш ва тарбиялаш, замонавий тажрибаларни жорий этиш борасида мустаҳкам асос яратилди. Адолатни тиклашга қаратилган бундай ислохотлар Равшан Эрматов, Одил Аҳмедов каби жонқуяр мутахассисларимизнинг ташаббусли ғояларини амалиётга татбиқ этиш имконини берди.

Дарҳақиқат, U-17 ёш тоифасидаги Ўзбекистон терма жамоаси ўз ўйини, интизоми, техникаси ва катта ғалабаларга интилиши билан нафақат чемпионликка муносиб, балки Осиёнинг энг нуфузли футбол мактаблари қаторида эканини яна бир бор исботлади. Дарвозабон Нейматуллоҳ Рустамжонов — Осиё кубогининг энг яхши дарвозабони, Асилбек Алиев — энг яхши тўпурар, Садриддин Ҳасанов — турнирнинг энг яхши футболчиси сифатида эътироф этилиши ана шу юксак жамоавий маҳоратнинг натижаси бўлди.

Олдинда — Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати. Бу мусобақа футболчиларимиз учун яна бир улкан имконият. Ўсмирларимиз олдида дунё майдонларида ватан шарафини ҳимоя қилиш масъулияти турибди. Шу фурсатдан фойдаланиб, йигитларимизга улкан зафарлар тилаб қоламан. Ҳамиша байроғимиз баланд, юзимиз ёрғун бўлсин!

66 Гуруҳ босқичининг сўнгги турида ўсмирларимиз Саудия Арабистонини 3:0 ҳисобида, чорак финалда эса БАА терма жамоасини 3:1, ярим финалда КХДР термасини 3:0 ҳисобида енгди. Бундай натижа финалда дуч келадиган рақиб жамоани сергак тортиргани рост. Ана шу сергаклик сабаб ўйинчиларимиз турли босимларни бошдан ўтказди.



БУ — ЖАСОРАТ, МАТОНАТ НАМУНАСИ

Исмоилбек ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон U-17 терма жамоаси бош мураббийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози:

— Аввало, Ўзбекистон халқига чиройли ғалаба муборак бўлсин. Ҳа, ушбу мундиал чиндан ҳам юртдошларимизга, миллионлаб футбол ишқибозларига ажойиб футбол завқини берди. Айниқса, финал баҳси... Саудия Арабистонида кечган бутун чемпионат бир бўлди, финалда йигитларимиз кўрсатган жасорат, янги Ўзбекистон гоъсидан шаклланган жамоавий бирлик, таслим бўлмаслик, курашувчанлик ва натижада қитъада тенгсизлик, ғолиблик сурури бир бўлди.

Ҳа, жамоамиз ушбу мусобақа доирасида ўз олдига қўйган, бутун ўзбекистонликлар кутган мақсадга эришди. Бу ғалаба замирида жуда кўпчиликнинг меҳнати ётибди. Аввало, Президентимиз спортга, жумладан, футболга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлашни истардим. Аэропортдаги тантанали кутиб олиш маросими, айниқса, давлатимиз раҳбарининг жамоамизга юксак эътибори ва эҳтироми — U-17 терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисидаги фармони бизга катта ишонч, жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этишимиз учун сўмас куч бағишлайди.

Шунингдек, ЎФА раҳбарияти, халқаро алоқалар ва терма жамоалар бўлими ҳамда жамоамиз учун меҳнати сингган ҳар бир инсонга миннатдорлик билдираимиз. Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан шу кунга қадар биз учун жуда кўп йиғинлар ташкил этилди, халқаро турнирларда иштирок этишимиз учун барча шароит яратиб берилди.

Ватанимиз доимо қаҳрамонлар, мард инсонлар юрти бўлган. Буни футболчиларимиз яна бир бор майдонда кўрсатиб берди. Финалда фантастик ўйин бўлди, бу, шубҳасиз, жасорат, матонат намунаси. Йигитларга раҳмат айтаман, улар имконсиз вазифани бажарди.

Ҳиссиётларимизни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Олдинда бизни янада муҳим турнир кутмоқда. Жаҳон чемпионатида ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламиз.



ОРЗУ ОРЗУЛИГИЧА ҚОЛМАЙДИ


Садриддин ҲАСАНОВ, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳужумчиси, “Келажак бунёдкори” медалли соҳиб:

— Аввало, бу ғалаба билан барча юртдошларимизни табриклайман. Чемпионлик фақат бизнинг эмас, бутун янги Ўзбекистон халқининг ютуғидир.

Албатта, бу ергача етиб келиш осон бўлмади. Болалигимда телевизор қаршисида ўтириб, футбол бўйича ўтказиладиган мусобақаларни кузатар, футболчилар ўйнаётган майдонда тўп тегишини орзу қилардим. Мен ҳам улардек чемпион бўлишни хоҳлардим.

Ҳаракат қилса, орзу орзулигича қолмас экан. Мана бугун ўзим тенги ёшлар билан Осиё чемпиони бўлдим. Бу мусобақа учун 3 йил тайёргарлик кўрдик. Шу вақт мобайнида бизни қўллаб-қувватлаган, шаронт яратган, ишонч билдирган барчага миннатдорлик билдираимиз.

Турли мамлакатлардан келган ҳар бир жамоанинг ягона мақсади чемпионлиқни қўлга киритиш эди. Рақиб жамоаларда нуфузли



клублар тарбияланувчилари ҳам бор эди. Мана шундай кучли жамоаларга қарши курашиб, мағлубиятсиз ғалабага эришишимизда мураббийларимизнинг йўл-йўриги ва халқимизнинг ишончи, энг муҳими, юртимизда спортга қаратилаётган эътибор натижасида пайдо бўлган жамоавий бирлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди деб ўйлайман.

Финал биз учун қутилмаган тасодифларга бой бўлди. Иккита қизил карточкадан кейин 2 ўйинчи кам бўлиб қолсак ҳам тўхтамадик. Ватанимиз учун, миллионлаб муҳлисларимиз учун охиригача курашдик. Ўйлайманки, бизга билдирилган ишончи оқладик. Гол урган вазиятга келсак, ичимдан нималар ўтганини таърифлай олмаيمان. Бизни қўллаб-қувватлаган барча-барчага кўпдан кўп раҳмат.

Турнирнинг энг яхши футболчиси деб топилганимдан жуда хурсанд бўлдим. Жамоадорларимиз — Нейматуллоҳ Рустамжоновнинг энг яхши дарвозабон, Асилбек Алиевнинг энг яхши тўпурар деб эътироф этилиши ҳам қувонарли. Аслида, бундай номга ҳар бир жамоадорим лойиқ.

Эндиги мақсад — ноябрда Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида зафар қучиш. Бу мақсад йўлида биз боришимиз берамиз. Сабр қилса, юртдошларимизнинг ишончини оқлаймиз.

ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ РУҲЛАНТИРАДИ

Равшанбек ОДИЛОВ, Асилбек Алиевнинг отаси:

— Бу йил юртимиз спорт учун унутилмас воқеа бўй берди — ўсмирларимиз Саудия Арабистонида бўлиб ўтган U-17 Осиё кубогига зафар қучиб, бутун халқимиз қалбига қувонч улашди. Ушбу ғалабага фарзандим Асилбек Алиев ҳам ҳисса қўшгани, жамоамиз таркибидеда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани ота сифатида мен учун беқиёс фохр.

Мамлакатимиз спорт соҳасидаги ислохотлар, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида жамоавий спортни ривожлантиришга қаратилган сазй-ҳаракатлар самара берапти. Ўғлимнинг ҳаётдаги илк муваффақияти,



либ туноларди. Бирок бу ҳақда унга ҳар доим ҳам айтавермас эдим. Уни иложи борича қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилардим.


Аммо фақат оила тарбиясининг ўзи етарли эмас деб ўйлайман. Бу натижалар замирида юртимизда болалар спорт мактаблари,

мураббийларга қаратилаётган эътибор турибди, десак тўғри бўлади.

Ўсмирлар терма жамоамиз Осиё чемпионатидаги ҳар бир ўйинда жонбозлик ва ҳамжиҳатлик намойиш этди. Чемпионликдан кейин шу йигитлардан бирининг отаси сифатида фарзандим тимсолида нафақат ғалабадан хурсанд, балки юрт номини юксалтириш масъулиятини ҳис этган йигитни кўрдим.

Шубҳасиз, ўсмирларимизнинг бу ғалабаси уларнинг бошқа тенгдошларини ҳам янги умид, янги мақсадлар сари руҳлантиради. Бундай зафар ота-оналарга болаларининг орзусини қўллаб-қувватлаш, ёш авлодга ишонини қанчалик муҳим эканини яна бир бор намоеън қилди.

Ота сифатида фарзандимнинг ғалабасидан фахрланаман, аммо бу фахр шахсий эмас, балки юртимизда яратилган имкониятлар, ҳамқўллик ва эътибордан миннатдорликдир. Фарзандларимизнинг толеи ҳамиша порлоқ бўлсин!



Қадимда Осиё ва Европани боғлаб турган Буюк ипак йўлининг савдо маркази, маданият ўчоғи бўлган Самарқанд, Бухоро, Урганч каби шаҳарларимиз номи башариятга кўплаб олимۇ фузалоларни етиштириб бергани, тарихий обидалари билан ҳам тарих зарварақларига битилган.

Албатта, ҳар замоннинг ўз тош-тарозиси бор. ХХI аср инсоният тарихида иқтисодий тараққиёт, илм-фан ва технологияда эришилган улкан ютуқлари билангина эмас, турли иқтисодий инқирозлар, ижтимоий-сиёсий буҳронлари билан ҳам ёдда қолади. Шу билан бирга, аини пайтда айрим давлатларнинг ўзaro низолашуви, уруш ва вайронгарчиликлар, сиёсий таранглашув, ижтимоий тенгсизлик авж олгани, одамлар хотиржамлигидан турли гуруҳлар манфаатлари устуни қўйилаётгани, улкан шаҳарларда яхши амаллардан кўра фаҳш ишлар кўпайиши язгулик устига қурилган тамаддуннинг емирилишига хизмат қилмоқда.

Дунёдаги мана шундай мураккаб вазиятда юртимизда улкан ислохотлар, қадим замонларда бўлгани каби тақорланмас бунёдкорликлар амалга оширилаётгани кишини икки қарра мамнун этади. Албатта, бу ишлар ўз натижасини берапти. Юртдошларимизнинг фаровонлигига хизмат қилляпти. Мисол учун, ўйсизлар ватан ичра қилчя ватанли бўлаётгани, олий таълим даргоҳлари кўпайиши, университет эшигидан қайтавериб сочи оқарганлар энди чекловсиз таъсил олаётгани, кўча чангитиб, тўп тепиб юрган ўсмирларнинг замонавий спорт заида шуғулланиб, жаҳон чемпиони бўлаётгани шундай саяй-харақатларнинг амалий натижасидир.

Утган йили пойтахтимизда бошланган улкан бунёдкорлик лойиҳаси — Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралиғида, 20 минг гектар майдонда қурилаётган Янги Тошкент шаҳарсозлик маданиятининг ийрик намунаси бўлиши кутилмоқда. Бу бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари **“Бугун пойдевори қўйилаётган масканлар кўп йиллар халқимиз маънавиятини бойитиш, ёшларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади. Янги Тошкент шаҳрининг**

2025 йил 22 апрель, 81-сон

Тамаддун



ЖАРАЁН



“УЧУВЧИ” ДЎСТИМ ВАТАНГА ҚАЙТМОҚДА

ЁХУД ЯНГИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЎЙЛАР

нафақат юртимиз, балки минтақамизда ҳам чинакам илм-маърифат ва маданият марказига айланишига катта ҳисса қўшади, деб ишонаман”, деб таъкидлар экан, бу лойиҳа келажак авлодга катта мерос, илм-маърифат майдони сифатида қолишини назарда тутган эди.

Бунга асос ҳам бор. Лойиҳа доирасида тўрт қаватли, ўз бағрига бир вақтнинг ўзида 1500 га яқин китобхонани сиғдириши мўлжалланаётган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси барпо этилмоқда.

Энг муҳими, бу шаҳар экологик тоза, миллий ва дунёвий меъморчилик намуналарини ўзида мужассам этиши билан ҳам аҳамиятли. Мазкур қурилишнинг яна бир жиҳати борки, уни айтмасдан жим туриб бўлмайди. Бу ерда кўплаб юртдошларимиз қатори йиллар давомида ўзга юртда, оиласидан олисда юрган ватандошларимиз ишлаётгани кўнгилни равшан қилади.

Эрта билан ишонадан берилган топириқ сабаб машинада “Қайдасан, Янги Тошкент?” дея йўлга тушдим. Мақсад бу ерда ишлаётганларнинг кайфияти, уларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиш эди.

Халқимизда “Йўлга чиққан — йўлдан топар” деган мақол бор. Йўл-йўлакка ҳайдовчи савол билан юзланиди:

- У ерда бирон танишингиз ишлайдими?
- Кутилмаганда берилган бу саволга қисқа қилиб:
- Йўқ, — жавоб бердим.
- Мен ҳам ўша томон кетяпман. Ҳамроҳ бўлганингиз сиз иш бўлди.
- Нима, бирон юмушингиз борми?
- Йўқ, ўғлимни кўргани боряпман. У қурувчи. Яқинда ўша жойга ишга кирди...



Бир муддат сукутдан сўнг у тугалланмаган гурунгни давом эттирди:

— Худо бизга бир ўғил берди. Уч йилдан ортиқ муддат хорижда ишлади. Унга “Ўз уйинг — ўлан тўшагинг, шу ерда ишлайвер”, деб қайта-қайта айтишимга қарамай, одамларнинг гап-сўзига қизиқиб, чет элга кетиб қолди. Топган пулига янги уй кўтарди, уйланди. Яқинда ишонасидан таътил олиб келганди. Роса соғинган эканман ўзиям. Боламнинг яна бегона юртга кетишини истамасдим. Янги Тошкентда ишлаш бўйича эълонни кўриб қолгандим. Одам одамга ғанимат, бутун бормиз — эртага йўқ, дея ишга кириш учун суҳбатга боришга

қўндирдим. Насибаси қўшилган экан, ишли бўлди. Кунора бўлмаса ҳам ҳафтада бир марга бизни, фарзандини кўриб кетади. Инсон учун энг катта бойлик — тўрт кўз тугаллик, хотир-жамлик...

Ҳайдовчининг гурунги билан олис йўлимиз бир қадам бўлди. Шеригим машинадан тушиб қурилиш майдонига кирмай, ўғлини кутиш жойида қолди. Атрофда усталарнинг бақир-чақири, юк машиналари кўтарётган чанг, қурилиш жараёнига ҳайбат бағишлаб турган, оғир юкларни кўтариб, бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтаётган кранлар ишнинг шиддатини намоеън этади.

Қурилиш жараёнини кузата туриб, қурувчилардан бирини суҳбатга тортаман:

— Бу ерга ишга келишимдан олдин анча йил Россияда ишладим. Сўнг Янги Тошкентга ишга қабул қилишаётганини ижтимоий тармоқларда ўқиб қолдим. Эълондаги рақамларга қўнғирқоқ қилиб, суҳбатдан ўтгани келдим, — дейди қурувчи Сирожиiddин Сайфиддинов. — Менимча, ҳар бир инсон юртида, оиласи диварсида ишлашни хоҳлайди. Бу ерда шартнома асосида ишляпмиз. Чет элдан ҳам кам бўлмаган иш ҳақи берилляпти. Яшаш, ишляшимиз учун барча шароит бор.

Мутасаддиларнинг айтишича, ҳозир Янги Тошкент қурилишига 1500 га яқин ишчи қабул қилинган. 11 мингга яқин ишчи кучи захираси ҳозирланган. Лойиҳанинг кейинги босқичлари ишга тушиши билан яна ишчилар қабул қилинади.

Қурилиш жараёнини кузатар эканман, бу ерга иш сўраб муружат қилаётганлар ҳали ҳам қўлиғи гувоҳи бўлдим. Албатта, беш қўл баробар эмас, иш сўраб келаётганлар орасида тажрибаси йўқлар ҳам топилади. Мутасаддилар қурилиш кўлами кенглиги сабабни бунинг ҳам

ечимини топибди. Энди Қибрай касбий қўникмалар маркази негизида Қурилиш ва ускунасозлик касб танлови маркази ташкил этилади.

— Бу марказда юртдошларимиз қурилишнинг турли соҳалари ва ускунасозлик бўйича ўқитилади, — дейди Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Гулноза Алимова. — Марказ ёз фасли охирида ишга туширилади. Бир йилда 1.5-2 минг кишини ўқитиш кўзда тутилган. Бу жараёнга хорижий қурилиш компанияларининг иш берувчилари, қурилиш бўйича мутахассислари таклиф қилинади. Улар қурилиш соҳасидаги замонавий билим ва қўникмаларини ўргатади. Энг муҳими, бу марказда ўқитётганлар Янги Тошкент лойиҳасида амалиёт ўтаб, билимини амалиётда мустаҳкамлайди. Ўқилиши тугатгандан сўнг лойиҳанинг кейинги босқичларида ишга йўналтирилади.

Бу ердаги имконият, шарт-шароит билан танишар эканман, дўстим Обид ҳаёлимага келди. У бир вақтлар учувчи бўлишни орзу қиларди, аммо...

Орадан бир неча йил ўтиб, отаси чет элдан қайтди. Қўп пул эмас, ўзи билан оғир дардин олиб келди. Шусиз ҳам оғир аҳволдаги оиланинг бошига янги бир синов тушди. Отаси қайтганидан сўнг Обид бир йилча кўшни туманларда, шаҳарларда қурилиш соҳасида ишлади. Тирикчиликнинг у қирмаган кўчаси қолмади. Топган пуlining бир қисми отасини довлатиш учун, яна бир қисми бошқа камчиликлар учун сарфланарди. Бу орада унинг ҳам ишлаш учун хорижга кетгани ҳақида эшитдим. Отаси эса оёққа туриб, қишлоқдаги фермерга ёрдамчи бўлиб ишга жойлашибди.

Орадан ўн йилча вақт ўтган бўлса-да, у ҳамон чет элда. Қишлоқдаги икки фарзанди, аёли ва ота-онаси ҳолидан бир йилда бир хабар олади. Уй-жойи яхши, болалари тумандаги хусусий боғчада тарбияланади. Фақат улар ота меҳрини кўрмай ўсаяпти.

Қуёш уфқ томон ботиб бораркан, сафарим қариди. Хоридан келиб тер тўкаётган юртдошларимизнинг болалари кун келиб, ортимизда

бунёд этилаётган мактабларда, университетларда ўқиса, ажабмаски, оталари босиб ўтган муҳожирлик йўли уларнинг ҳаётида тақорланмайди, бу ўғил-қизлар юрт ривожини учун жавлон урадиган, замонавий дунёнинг янги касбларини мукамал билидиган инсонлар бўлиб қамолга етади, деган орзулар гузғон эди ҳаёлимда.

Шу ўй билан машинада қайтарканман, Обиддан хабар келди: “Эртага уйга қайтаман”. Уни ўқиб, эҳтимол, дўстим ҳам Янги Тошкент қурилиши маъмурияти билан телефон орқали гаплаган, шу ерда ишлаб, ватанда томир ёзар, деган фикр ҳаёлимга келади. Кўнглим бирдан равшан тортиди.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ХОРИЖГА БОРИБ ИШЛАШГА ЗАРУРАТ БЎЛМАЙДИ

ЎЗИМИЗ МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Бандлик

Бугун Андижонда ҳам барча соҳаларда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, бир пайтлар пахта хомашеси етиштиришдан бошқа имконияти бўлмаган туман ва шаҳарлар, чекка-чекка ҳудудларга саноат жадал кириб келаётгани барчамизни қувонтиради.



Масалан, вилоятимизда бугунги кунда 11 мингдан зиёд саноат корхонаси бор. Бундан ташқари, ҳудудларда 47 та саноат зонаси ташкил этилган. Уларда 2,3 триллион сўмлик мингта лойиҳа амалга оширилиб, 18 минг киши иш билан таъминланди. Мазкур зоналарда 2024 йилда 1 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, қарийб 31 миллион долларлик экспорт қилинди.

Бу ишлар 2025 йилда ҳам давом этирилиб, 5 миллиард 700 миллион долларлик 166 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Бу орқали 31 мингта иш ўрни очилади.

16 апрель кuni Булоқбоши туманида Андижон вилоятиги иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз



раҳбари бу борада эришилаётган натижаларни таҳлил қилиб, олдимизда турган устувор вазифаларни белгилаб берди.

Хусусан, вилоятда ишсизликни бартараф этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиш лозимлиги қайд этилди. Шу жумладан, томоққадан самарали фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этиш орқали аҳолининг даромадини ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Бу борада ёшларни тадбиркорлик, ердан унумли фойдаланишга ўргатиш, бунда, аввало, уларда касбий кўникмани ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Мазкур вазифалар, ўз навбатида, биз — маҳалла фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юқлайди. Бунни ҳис қилган ҳолда маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик ривожини бўйича фаол ишляпмиз. Утган йили шу мақсадда 38 кишига иссиқхона қуриш учун субсидия, йигирмадан кўпроқ хотин-қизга субсидия асосида тикув машинаси берилди. Хизмат кўрсатиш, тикувчилик, ҳунармандчилик йўналишида қарийб 60 кишига имтиёзли кредит ажратилди. Табиийки, бу имтиёз ва имкониятлар ишсизлик муаммосига ечим

топиш, оилаларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлашда яхши самара берапти.

Шу кунларда бу борадаги ишлар давом эттирилиб, ишсиз ва хориж миграциясидан қайтган ёшлардан 30 нафарига 15 сотхидан ер берилди. Яна қирқ кишига иссиқхона қуришга кўмаклашляпти. Улар кооперация асосида тадбиркорларга бириктирилган. Иссиқхоналар тўла қувват билан ишлаш учун уруғ, қўчат билан таъминляпяти. Экин парвариришаш ва ердан самарали фойдаланиш бўйича аҳолининг билим ва қўникмаси ошириляпти. Қолаверса, иссиқхонада ҳосил етиштирилгач, унга харидор топиш ва бозорларга етказиш бўйича йўл-йўриш ва тавсиялар, зарур бўлганда, амалий ёрдам берилади.

Аҳоли бандлигини таъминлашда туманимизда саноат ҳудуди ташкил этилгани аини муддао бўлмоқда. Ҳозир у ерда турли йўналишлар, жумладан, тўқимачилик соҳаси ривожланыляпти. Ишсиз аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда бу қўл келмоқда. Саноат ҳудудига яқин жойда ётоқхона ташкил этилгани ишчилар учун яна бир қўлайлиқдир. Қолаверса, замонавий корхоналарда ойлик анча юқорди. Халқимиз, айниқса, ёшлар бу имкониятдан жуда мамнун.

Бу қўлайлиқлар йиллаб оиласи, яқинларидан узокда яшашга мажбур бўлган мигрантларни ҳам хурсанд қилмоқда. Шу тудайли четда ишлаётганларнинг тенг ярни бутун юртимизга қайтиб, маҳаллий корхоналаримизга ишга жойлашди ёки ер олиб дехқончилик қилмоқда. Аини пайтда хориждаги ёшлар бу имкониятларга катта қизиқиш билдириб, қайтишга чоғланган. Ортимиздаги ривожланиш шу зайл давом этса, яқин йилларда кўпроқ бирорта мигрантимиз қолмайди, ҳатто ўзимиз меҳнат мигрантларини ишга таклиф қиламиз, назаримизда.

Ёшларнинг ана шундай талаб ва қизиқишларини инобатга олиб, тадбиркорлик ва бандлик бўйича янгидан янги микролоийҳалар устида ишляпмиз. Жорий йилда бу борада белгиланган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш орқали 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзляпмиз.

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи асосида иқтисодиёт тармоқларига жалб этилаётган инвестицияни кўпайтириш, йўл, транспорт, қурилиш ва бошқа инфратузилмаларни ривожлантириш, ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва бошқа йўналишларда белгилаб берган вазифалар ўз вақтида амалга оширилиши кўзлаган ана шундай мақсад ва режаларимиз рўёбга чиқиши, маҳаллаларимиз янада обод, ҳаётимиз ёруғ ва нурафшон бўлишида кенг истиқболлар очади.

Зиёда ЖУМАОЕВА,
Пахтабод тумани
“Сой” маҳалла фуқаролар
йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси



Марғилон шаҳридаги “Туягум” маҳалла фуқаролар йиғини қушлар билан тиллашаётган ҳудуд сифатида кўпнинг эътиборига тушган. Сабаби бу ердаги аҳоли ўз хонадониданоёб ва нодир сайроқи қушларни парвариришда, кўпайтириш орқали даромад топиш, оила фаровонлигини таъминлаш борасида ўзига хос тажрибага эга.

ҚУШ ТИЛИНИ ТОПГАНЛАР

Неъматжон Рустамов маҳси тикувчи ҳунармандлар сулоласининг бешинчи авлод вакили. Шу билан бирга, ноёб ва нодир қушларни парвариришда, кўпайтиришда кўпга намуна. Хонадонда бўлган киши шохдан шохга қўниб, сайраётган қимматбаҳо қушлар чиройидан баҳра олади. Айтишларича, бу нафақат ҳурурбахш машғулот, балки мўмай даромад манбаи ҳам. Айрим қушларнинг нархи 1,5 минг долларгача баҳоланар экан.

Масалан, оддий амадинка қуши 13 кунда 6-7 тагача поладон очади. Бир жуфт қуш 150 минг сўмдан сотилляпти. Жўжа очиш мавсуми эрта кўкламдан бошланиб, ноябрга қадар давом этиши ҳисобга олinsa, даромад салмоғини чамалаш қийин эмас. Хонадон эгалари мавсумда 1000 жуфтидан ортиқ ноёб қуш парвариришда бозорга чиқаради.

— Бу иш одамга завқ-шавқ, куч-қувват бағишляйди, — дейди Неъматжон ака қушларга дод сепми асносида. — Толиқиб қолган дамларда қушларнинг хониши, шохдан шохга сакраб ўйноқлаши, қанотларининг турфа рангда товланишидан баҳра олам. Қушлар билан тиллашиш осон эмас, албатта. Бу юмуш кишидан сабр-бардош, қалб гўзаллигини талаб қилади. Озгина этиборсизлик, ноўрин ҳаракат билан уларга озор бериб қўйиш мумкин. Фарзанд ва набираларини ҳам уларга яхши муносабатда бўлишга ундаймиз.

Дастлаб тўрт қуш қуш парвариришдан иш бошлаган тадбиркор хонадонидано бугунга келиб 12 турдаги 100 дан зиёд чиройли ва сайроқи қуш бор. Бу ерда улар учун мўъжаз инлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

— Қуш парваририш маҳалламизнинг драйверига айланиб бормоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шухратжон Холиков. — Ҳозир 100 дан ортиқ хонадон бу иш билан шуғулланиб, даромад топляпти. Қушлар парваририш учун ортиқча жой, харажат керак эмас. Аммо

маҳалламиздаги қушлар савдоси учун бозор йўқ. Аксарият қушлар пойтахт бозорларидано икклимачи миҳозлар орқали сотилляпти. Бу иш ўзимизда йўлга қўйилиб, даромад ва экспорт салмоғини ошириш чорасини кўрляпмиз. Бунинг учун имконият етарли. Маҳалламизнинг Аҳмад Яссавий кўчаси туризм кўчасига айлантйрилган. Бу ерда қушлар савдосига ихтисослашган махсус дўкон очиш, паррандалар кўргазмасини ташкил қилиш юзасидан таклиф ва лойиҳалар ишлаб чиқиди. Нафақат қушлар, балки улар учун зарур озуқа, витамин, гигиена воситалари, қафаслар, керакли иш анжомлари сотиш кўзда тутилган. Нагижада ўнлаб янги иш ўрни очилади.

Муҳаммаджон Мухторовнинг бу йўналишда тадбиркорлик фаолиятини бошлаганига 10 йилдан ошди. Аини кунда 3000 га яқин турфа қушини парвариришда, кўпайтириб келмоқда.

— Ҳар бир ишга, аввало, меҳр, қизиқиш бўлиши керак, — дейди тадбиркор. — Бу ишнинг этагидан тутиб кам бўлмадик. Фарзандларимизни ўқитдик, уйли-жоили қилляпмиз. Аини кунда фаолият кўламини кенгайтириш, янги қуш турларини олиб келиб маҳаллийлаштириш борасида изляпмиз. Қуш билан тиллашган киши она табиат гўзаллигини ҳис қилиб яшайди, уни асраб-авайлаш, ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Кўҳна Марғилоннинг Туягум маҳалласида бошланган ишлар қўшни маҳалла ва ҳудудларда ҳам оммалашмоқда. Жумладан, Қўштепа туманидаги “Лойсон” маҳалла фуқаролар йиғинида “маҳалла етилиғи” ибратли ишга бош бўлди. Маҳалладаги бўш турган бинода юздан ортиқ ноёб ва чиройли тўтиқушлар парваририш йўлга қўйилди.

— Қушларни парвариришда жараёнида ишлаб топилаётган даромаднинг асосий қисми камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш ва қушчилик фаолиятини кенгайтиришга сарфланмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хусанбой Ахмадаев. — Қуш боқиш мураккаб иш эмас. Озгина эътибор, меҳр тудайли кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бу ишни кўргазмамизга кўп бўлгани йўқ. Дастлаб 20 жуфт тўтиқуш олиб келгандик. Паррандалар тез кўпайиши ва харидорчилиги билан ажралиб туради. Бугун улар 100 дан ошди. Бир жуфт тўтиқушнинг баҳоси 1 миллион 300 минг сўм. Қуш парвариришда орқали қўшимча 100 миллион сўмдан ортиқ даромад олиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимоя реестрига кирган оилалар, ногиронларни қўшимча рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш чорасини кўрляпмиз. Бундан ташқари, ишсиз, кам таъминланган оилалар, меҳнат мигрантлари, ёшлар ўртасида қуш парвариришда, даромад топиш тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратляпмиз.

Излаган имкон топади. Бир қарашда оддий, лекин даромади юқори юмуш — тўтиқуш парвариришда ва кўпайтириш борасида маҳаллада бошланган ташаббус кўплаб оилаларда оммалашиб, даромад манбаига айланиб бораётди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Шероз Қорабозоган суратлар.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш жараёни кўплаб ривожланган мамлакатларда яхши йўлга қўйилган. Бунда таълим тизими, меҳнат бозори ва иш берувчилар ўртасида узвий ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди.

Нарзулло ОБЛОМУРДОВ, иқтисодиёт фанлари доктори

Хусусан, Германия олий таълим тизимида талабаларнинг 50 фоиз вақти ишлаб чиқариш корхоналарида ўтиб, битирувчи, асосан, малака оширган корхонасига доимий ишга қабул қилинади. АКШнинг ҳар бир университетида “Career center” фаолият юритади. Талабалар таълим олиш давридаёқ internship (амалиёт) дастурлари орқали иш тажрибасини ортиради. Буюк Британияда эса “Employability Skills” дастури бўйича олий таълим муассасаларида талабалар учун махсус “ишга жойлашиш қобилияти” (employability) курслари ташкил қилинган. Сингапурда ҳукумат томонидан “Skills Future” дастури жорий этилган бўлиб, у одамларга бутун ҳаёти давомида ўқиш ва ўрганишни тарғиб қилади. Битирувчилар ва иш изловчиларга субсидия орқали қайта ўқиш имконини яратди.

Кўриниб турибдики, олий таълим ривожланган мамлакатларда талабалар эрта босқичда касбий йўналишни танлайди ва корхоналар билан узоқ муддатли ҳамкорлик асосида мутахассислар тайёрланади. Шунда битирувчиларда нафақат яхши мутахассис бўлиш, балки жамонинг фаол аъзоси сифатида жадал ривожланиётган соҳаларга тез мослашиш имкони туғилади.

Бизда олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши ва бизнес ҳаялларини амалга оширишида қатор муаммолар мавжуд. Бунинг сабаблари таълим, меҳнат бозори ва тадбиркорлик тизими ўртасида узвий алоқа етарли даражада эмаслигида. Таълим дастурлари меҳнат бозори талабларига тўлиқ мос келмайди. Талабаларда реал иш муҳитида етарли тажриба, уларни ишга жойлаштиришда эса фаол механизмлар

университетнинг ўз бизнес ҳаялларини амалга ошириш истагидаги битирувчи босқич талабалари учун банк томонидан бизнес ҳаяли тайёр лойиҳагача олиб бориш жараёнида тўлиқ ҳамроҳлик қилиш имконияти яратилди.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, инновацион ҳаялларни амалиётга таъбиқ этиш ва илм-фан билан иқтисодиёт интеграциясини кучайтириш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида “Келажакка қадам” маркази ташкил этилди.

Мазкур марказ орқали битирувчи талабалар бизнес ҳаялларини шакллантириш, пухта лойиҳалаш ва қулай молиявий шартлар асосида амалга ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Бу йўлда уларга “Ўзмилийбанк” АЖ томонидан тўлиқ маслаҳат ва молиявий кўмак кўрсатилади. Марказда тадбиркорлик, молия, агротехнология, рақамли иқтисодиёт ва бошқа йўналишларда семинар, тренинг ва маҳорат дарслари ўтказилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, ушбу марказда университетнинг битирувчи ва қўйи босқич талабалари ўртасида соҳалар бўйича очик танловлар



ўтказиш ҳамда ҳолиларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, бунда салоҳияти янги беришни ташкилотлар, йирик корхоналарнинг олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёжини аниқлаш ва мутахассисларга қўйилган талабларни шакллантириш амалиёти ташкил этилади. Танлов ҳолиларини иш беришни ташкилотлар буюртмасига кўра индивидуал касбий таълим дастурлари асосида касбга

“Келажакка қадам” шунчаки дастур эмас, балки Ўзбекистон ёшларига ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиш, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаш, тадбиркорлик ва инновацияни ривожлантириш йўлидаги стратегик аҳамиятга эга ҳужжатдир.

тайёрлаш тадбирлари молиялаштирилади. Индивидуал касбий таълим дастурларида ишлаб чиқариш объектларида амалиёт ўташ ва чет элдаги олий таълим ташкилотларида қисқа муддатли ўқув курсларида қатнашиш имконияти яратилади.

Университетимизда лаборатория машгулотлари, тажриба ҳўжалиги ҳамда ишлаб чиқариш объектларида талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш имконияти мавжуд. Хусусан, жорий йилда

“Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда олий таълим соҳасидаги имкониятлар ва ташаббуслар” мавзусидаги Ўзбекистон — Малайзия таълим форуми доирасидаги келишувга мувофиқ, Малайзия университети билан ҳамкорликда шולי навлари экилмоқда. Хитойнинг Шимоли-ғарбий қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги университети билан ҳамкорликда эса интенсив олма боғи яратилди. Университет илмий тажриба ҳўжалигида замонавий технологиялар асосида янги лабораториялар ташкил этилмоқда.

Жорий йил 15 апрель кунини университетини битирувчиларининг ишга жойлашишини самарали ташкил этиш, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мавжуд бўш иш ўринларини аниқлаш, иқтидорли ёшларни касбий ва илмий тадқиқот ишларига кенг-роқ жалб қилиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда бакалаврият ва магистратура битирувчилари учун “Карьера кунини” меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнат ярмаркасида касбий кадрлар истеъмоличилари — республика ижро этувчи ҳўкимият органлари, еттита вазирлик ва уларнинг тизим ташкилотлари, агрокластерлар, Германия, Хитой ва Жанубий Корея ташкилотлари вакиллари ҳамда битирувчи курс талабалари иштирок этди.

Кадрлар тайёрлаш сифати ва талабалар бандлигини ошириш, уларни амалиёт ва иш билан таъминлаш жараёнида янги босқичга олиб чиқиш мақсадида “Карьера кунини” доирасида университет ва қатор етакчи ташкилотлар билан ҳамкорлик

меморандумлари имзоланди. Мазкур келишувлар асосида битирувчилар малакасини рағбатлантириш учун “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, “IFODA AgroKimyo Himoya” ҚҚ, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтини билан ҳамкорликда ташкил этилган стипендиялар тақдиротлари бўлиб ўтди.

Жорий ўқув йилида Тошкент давлат аграр университети 2614 талаба тамомлаши кутилаётган бўлиб, шулардан 903 нафари “Карьера кунини” меҳнат ярмаркаси доирасида тузилган шартномалар асосида иш билан таъминланди. Битирувчи босқич талабаларининг янги ҳояларини қўллаб қувватлаш мақсадида бүгунги кунга қадар талабаларимиз томонидан шакллантирилган 3 миллиард 221 миллион сўмлик 78 та бизнес ҳоя “Келажакка қадам” маркази ҳодимлари билан биргаликда лойиҳага айлантирилиб, уларнинг 10 тасини молиялаштириш ишлари бошланди.

“Келажакка қадам” шунчаки дастур эмас, балки Ўзбекистон ёшларига ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиш, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаш, тадбиркорлик ва инновацияни ривожлантириш йўлидаги стратегик аҳамиятга эга ҳўжатдир.

Ушбу ташаббус ёшларни рақобатбардош кадрлар этиб тарбиялашга, иқтимоий-иқтисодий ҳаётдаги иштирокини оширишга, технология ва илмий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир ёшга тенг имкониятлар яратишга хизмат қилади. Дастур орқали ёшлар ўз келажакларини фаол равишда қуриш имконига эга бўлади. Бу эса нафақат уларнинг шахсий муваффақияти, балки мамлакат тараққиёти ва барқарор ривожланишининг ҳам муҳим қафолатидир.

Камолот пиллапояси

“Китобхонлик ҳафталиги” — тилимиз, тарихимиз ва адабиётимизни бирлаштирувчи самарали етти кун

Хар бир уйғок жамият ўзига зарур шахсни, инсонни тарбиялайди. Унга ўз тараққиёти даражаси ва тенденцияларидан келиб чиқиб ахлоқий, касбий, ҳуқуқий, маданий ва бошқа қатор талаблар қўяди. Жамият тараққиётининг пировард мақсади ҳам инсон, унинг фаровон, эркин ва хавфсиз турмуш кечириши эканини ҳисобга олсак, келажак одамини тарбиялашда биз, аввало, тилимизни, тарихимизни, адабиётимиз ва санъатимизни етарлича ўргатишининг самарадор йўлларини топишимиз лозим. Учунчи Ренессанс халқаро ҳамжамиятга илм-фан, технологиялар, ахборот, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида янада чуқурроқ интеграция қилиши лозимлигини уқтирмоқда.

— Бола мансуб жамиятнинг ўзи китоб ўқишга мойил бўлиши муҳим. Қўлига бирор марта китоб олманг, улардан фақат хонтахта тагига тахлаш учун фойдаланган одамнинг болага китоб ўқи, деб буйруқ беришга ҳеч қандай ҳаққи ҳам, асоси ҳам йўқ. Бойси, бир файласуф айтганидек, уларни бизнинг гап-сўзларимиз эмас, ҳатти-ҳаракатларимиз тарбиялайди, — дейди жамоат фаоли, журналист Шаҳобиддин Лукмон. — Китоб ўқиладиган хонадонларда мутлоага меҳр қўйган болалар камолга етади. Албатта, бу мутлақ ҳақиқат эмас. Китоби йўқ уйларда ҳам китобхоналар бор. Аммо бу ҳолат ҳамма жойда, ҳар доим ҳам содир бўлавермайди. Аксарият оилаларда вазият тахминан бундай бўлади: она кун бўйи уй-рўзгор ишлари билан банд, ортган вақтини қўшини аёллар, дўгоналар, танишлар билан ҳасратлаштишга сарфлайди. Телевизор, сериал қўриш, тўй-матракаларда қатнашиш ва бошқаларда ажратилган вақт китоб ўқишга сира етмайди. Ота эсишдан кечкурун келиб, овқатлангани бир оз телевизор кўргандек бўлиб, сўнгра ухлашга кириб кетади. Ўқилган китобларни муҳокама қилиш, қандай китобларни ўқиш бўйича маслаҳатлар бериш, афсуски, бүгунги оилаларда жуда кам учрайдиган ҳолат. Мана шу реал вазиятнинг англаш, тарбияси, эътиборидаги камчиликларни бартараф этиш учун ҳам, айниқса, ёш оилалар мана шундай китобхонлик тадбирларида, китоб тақдиротларида қатнашиши шар.

“Китобхонлик ҳафталиги” роппа-роса етти кун ўзини тағтиш қилишга, мутлоанинг асл қийматини тушунишга, фарзандининг китобга эътиборини тарозига солиб, ўлчаб кўришга етади. Бу ҳам одатий ҳафталардек ўтиб кетади, бироқ у қолдирган таассурот галдаги мақсадлар, ниятлар учун янги илҳом манбаи бўлиб қолади.

“Китобхонлик ҳафталиги” Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида парралел равишда бўлиб ўтмоқда. Ҳафталик доирасида сўнгги йилларда нашр этилган янги китоблар тақдиротлари, ёш ва истеъдодли ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар, соҳадига долзарб муаммоларни бартараф қилишга қаратилган йиғинлар бўлиб ўтади. 25-26 апрель кунлари эса Паркент ижод уйида болалар ва ўсмирлар адабиётини ривожлантиришга бағишланган “Ноширлар ва болалар ижодкорларининг ҳамкорлиги” мавзусида семинарлар ташкил қилинади.

Шунингдек, 25-27 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги “Dream Park” истироҳат боғида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидаги маданият ва истироҳат боғларида “Ноширдан китобхонга” тамойили асосида китоб савдо ярмаркалари ташкил этиш режалаштирилган.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Боларнинг барчаси негизда китоб ўқиш ва шу китобларни ўқиш ётади. Ёшларнинг мутлоага қизиқишини ошириш орқали исталган соҳада устуи келиш мумкин. Чунки мутлоа касбий иқтимоий аҳамиятга эга маълумотларни, касбий ва кундалик билимларни, ўтмиш ва ҳозирги маданий қадриятларни, тарихий ҳамда долзарб воқеалар ҳақидаги ахборотларни, бетакор ҳояларни ўзлаштиришининг энг муҳим усулидир. Асосийси, ўқиш она тилимизни сақлаш ва бойитишда энг қулай механизмдир. Миллатнинг ақл-заковати даражаси, тараққиёти ва фаровонлиги барқарорлиги, мамлакатнинг рақобатбардошлиги ёш авлоднинг жамиятдаги ўқиш даражаси ва сифатини бевосита белгилаб беради. Ўқирманлар ўртасида ўқиш сифатини оширишининг асосий вазибалари эса ўқиш маданиятини тарбиялаш, унга нисбатан қизиқишини ошириш ҳамда ахборот маданиятини ривожлантиришдир.

Жорий йилнинг 21 апрель кунини Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида “Ўзбекистон — китобхонлар юрти” шiori остидаги ананавий V республика “Китобхонлик ҳафталиги”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар китоб мутлоасини кенг оммалаштириш, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонлигини ривожлантириш давлат сиёсати даражасида тарғиб қилинаётгани, маҳаллий, шунингдек, хорижий адабиётларни сифатли таржима қилиш, умуман, таржима мактабини юксалтиришга қатта эътибор қаратилаётганини алоҳида эътироф этди.

— Аллақачон анъанаяга айланиб бўлган ушбу аjoyиб ҳафталик барча ижодкорлар ва китобхонларга, соҳа мутахассисларига маъқул келишига шубҳам йўқ, — дейди Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Хўжаев. — Биз мазкур

ривожланиши натижасида шаклланади. Шахснинг асосий маънавий интилишлари мутлоага қизиқувчанлигини келтириб чиқаради. Китобга қизиқувчанлик ҳолатида унга баҳо бериш муносабати шаклланади. Демак, бундан муҳим ҳулоса келиб чиқади: янги китобхон қизиқишини шакллантириш учун уни мутлоадан ҳузурлиниш вазиятига олиб кириш керак. Бугунги тарғиботларнинг туб маъноси ҳам шу — китобларни саралаш йўли билан шундай вазиятни қайта-қайта такрорлаб, қизиқишининг мустаҳкамланишига ва барқарор ҳолатга келишига ёрдам бериш.

— Президентимиз шу кунгача юртимизда китобхонлик муҳитини яхшилаш, китоб ўқиш ва унинг тарғиботини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда янги босқичга олиб чиқиш борасида жуда кўп топишириқлар берди, қарорлар чиқарилди. Яъни жараён сизу биз ўйлагандан кўра анча олдин бошланган, узоқ вақт пишитилган. Самарасини, мана, кўриниб бoшлaмaмиз, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Дилнозахон Каппахонава. — Биргина ёшларга китоб мутлоаси учун қўлайлик яратадиган “Мутлоа” мобил иловасини олайлик. Ҳозирги кунда мобил иловани умумий юзлаб оилишлар сонини 1,5 миллиондан, ўқилаётган китоблар сонини эса 5 миллиондан ошди. Замонавий китобхонлигини ривожлантириш ва ёшларга турли шароитларда китоб мутлоаси учун имконият

Китоб байрами орқали ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтиришда китобнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича эришилган ютуқларни оммалаштиришни мақсад қилганимиз. Бундай тадбирлар

ноширлар ва ижодкорларнинг заҳматли меҳнатини китобхонларга тақдим этишга, янгиликларидан бохабар қилишга, ижодкорлар ва китобхонлар ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга замин яратди.

ривожланиши натижасида шаклланади. Шахснинг асосий маънавий интилишлари мутлоага қизиқувчанлигини келтириб чиқаради. Китобга қизиқувчанлик ҳолатида унга баҳо бериш муносабати шаклланади. Демак, бундан муҳим ҳулоса келиб чиқади: янги китобхон қизиқишини шакллантириш учун уни мутлоадан ҳузурлиниш вазиятига олиб кириш керак. Бугунги тарғиботларнинг туб маъноси ҳам шу — китобларни саралаш йўли билан шундай вазиятни қайта-қайта такрорлаб, қизиқишининг мустаҳкамланишига ва барқарор ҳолатга келишига ёрдам бериш.

ноширлар ва ижодкорларнинг заҳматли меҳнатини китобхонларга тақдим этишга, янгиликларидан бохабар қилишга, ижодкорлар ва китобхонлар ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга замин яратди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Президент ташрифидан сўнг

Ярим кеча. Иссиқ вагондан тушганимизда Андижон темир йўл вокзалида салқин ҳаво танга урилди. Чароғон кўчалар сокин. Андижон аҳли ширин уйкуда. Ҳамкасблар билан вилоят марказидаги бирон емакхонада тамадди қилиб олишни режалаштиргандик. Бироқ тамаддиҳоналарнинг барчаси ёпиқ. Бундан ҳеч ким хафа бўлмади. Одамлари тонг ёришмай уйғонадиган шаҳарнинг тунлари шундай сокин бўлиши керак-да, деди кимдир.



байрамига хизмат қилди. Шу йўсинда маърифий ислохотларимизнинг янги даври бошланди.

— Ёшлигимизда раҳбарлар ўтишини билсак, кўчага чиқиб олардик. Узоқдан улар ўтирган машинани кўриб қолсак ҳам ҳаяжонланардик, — дейди 73 ёшли Абдуманноб ота Бахромов. — Энди фарзандимни қутлагани раҳбарларнинг ўзи уйимизга келиб турибди.

Отахон шу гапларни айтгайиб қувончдан кўзи намланади. Унинг ҳаяжонга тўла овозидан бизнинг ҳам ичимизда бир титроқ уйғонибди. Отахон гапига давом этади:

— Йўлим тушиб қарасам, Андижонимиздаги адирда иморатлар қурилибди. Ўша ерга Президентимиз келиб, бу ерни Бобур шаҳри деб атамас нима дейсизлар, деганида кўзимга ёш келди. Жуда кўп чиройли таклифлар айтилди. Илоҳим, биз ҳам кўрайлик ўша куларни. Ҳа, беш йилдан кейин кўринг бу шаҳарни. Ҳадемай вақт ўтади. Ўшанда бундан ҳам обод, файзли манзилга айланганини кўрасиз. Кимлардир бу бўлмаган гап, дейиши мумкин. Бундай одамлар ҳар қачон, ҳар замонда учрайди. Аммо улар бир сиқимгина. Бу куларга шукрона айтиш кераклигини биладиганлар кўп. Ахир бу тинчлик, фаровонлик ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ! Шунинг учун раҳбарлар нима бўлганда ҳам кўпчиликка ёқимиз-ку деб ишлаши керак.

Абдуманноб ота фарзандларининг барчаси ўқимишли ва ўз иши билан банд эканидан хурсанд. Набирларидан бири давлатимиз қўмағи туфайли АҚШда ўқиётгани ҳақида тўққинлашиб гапирди.

Ҳақиқатан, бутун илм олиш, янгиликлар яратиш учун аввалгидек пойтахтда яшаш шарт эмас. Олис қишлоқ ва овуларда ҳам кучли иктидорлар кашф этиляпти. Улар давлатимиз раҳбари билан учрашиб, орзулари, мақсадлари ҳақида сўзлаб берапти. Андижондаги тадбирларда ҳам шундай ёшларнинг кўпи иштирок этади. Биз билан суҳбатда улар ёшларга қаратилган эътибордан куч олаётганини айтди. Айниқса, тиббиёт йўналишида ўқиётган йигит-қизларнинг қувончи чексиз. Андижон давлат тиббиёт институтига университет мақоми берилгани уларга яна кўплаб имкониятлар эшигини очибди. Тиббиётда Андижон брендини яратиш бўйича барча шароит етарли экани ёшларни янги-янги марраларга ундайди. Умуман, вилоятда амалга оширилиши белгиланган барча вазифа ёш авлоднинг тўқис шароитда яшаб, таълим олишига хизмат қилади. Масалан, янги маршрутлар ва вилоят шароитига мос автобус қатновий йўлга қўйилиши ҳам ёшлар учун манфаатли бўлади. Чиндан ҳам вилоят марказига кўплаб ҳудуддан ишчилар қатори талабалар ҳам енгил машинада келади. Тибрбандлик катта. Бу уларнинг вақти ва кайфиятига салбий таъсир қилади. Жамоат транс-порти қатновининг тизимли йўлга қўйилиши шундай ҳолатларга барҳам беради.

Янги иш ўринлари очиб, имтиёзли кредитлар ажратишни кенгайтириш каби хайрли ишлар ҳам ёшларнинг ҳаётида ўрнини топиб, ўзига муносиб шароит яратишига хизмат қилади. Шунингдек, ёш оилаларнинг ипотека кредити асосида янги массивлардан хонадон сотиб олишини ҳам таъминлайди. Зеро, қад кўтараятган янги уйларнинг эгалари асосан, ёшлар бўлиши табиий. Ҳар бир фарзандни уй-жойли қилиб, замонга мос қилишга айтишнинг кўриш — барча ота-онанинг орзуси. Шундай оилалар учун қурилатган уйларнинг болалар майдончаси, спорт мажмуалари билан топирилиши эса келажакимиз ворисларининг соғлом камолга етишига хизмат қилади.

Бобур шаҳридаги замонавий спорт комплекси ҳам аҳоли саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлардан далолат. Қуни кеча бу ерда илк бор ўтказилган “Eco-Save Aral — 2025” халқаро хайрия ва экологик оммавий югуриш марафони келажакда ташкил этиладиган нуфузли спорт тадбирларига дебоба бўлди. Яқин йилларда Бобур шаҳрининг “Янги Ўзбекистон” боғига келадиган меҳмонлар Бобур бобомиз ва авлодлари бунёд қилган тарихий обидаларнинг макетларидан иборат тематик паркни ҳам кўришга муваффақ бўлади. Насиб қилса, боғда ҳар йили ўтказиладиган рассомлар фестивалида минглаб гўзал асарлар намойиш этилади. Мўйқалам соҳибдорини бошқа меҳмонлар шундай ажодимиз борлигидан фалқарлаиб, унинг янги қолдиқ улугвор рамзига ҳурмат йла боқадик. Сайёҳлар Андижон ҳавосидан нафас олиш насиб этганидан гурурланади. Зеро, шох ва шор Мирзо Бобур орзу қилган, унга армон бўлган Боғишамол шу бўлади, десак хато бўлмади!

Бобурушонос олим, Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов билан суҳбат чоғида бунга яна бир бор амин бўлдик. Олимнинг айтишича, Захриддин Мухаммад Бобур Андижондан чиқиб кетгайиб, ҳозирги Боғишамол тарафга юзланганида, бу қадрдон макон юратгани ўртаб, “Менга яна Андижон насиб этса, шу ерда қаср қурайин”, деб ният қилган экан. Таас-суфки, Андижон унга қайта насиб этмади. Бобур орзу қилган ўша қаср — Бобур шаҳри бутун Янги Ўзбекистонда бунёд этиляпти. Улугвор шаҳарни чинакам маърифат ва маданият марказига айлантириш йўлидаги ишлар бошлаб юборилди. Аждодимиз қадамга етган юртларга бориб, у қурган бинаоларни ўрганишга ҳозирлик қилияпти. Унинг асл қиёфасини яратиш йўлидаги изланишларга ҳам жиддий киришилди. Давлатимиз раҳбари айтганидек, Захриддин Мухаммад Бобур дунёнинг қаериди, қайси ўлкасида бўлмасин, бир умр Ватан соғинч билан яшаган. Бутун буюк аждодимизнинг армонлари ушалди, ул зот ўз юртига руҳан қайтиб келди.

АНДА НОМИМ БОҚИЙ ЭТГАН Андижоним бор! (Эссе)



Давлатимиз раҳбари Андижонда уй-жой ва бандлик масаласи бирламчи эканини кўп таъкидлайди. Шу маънода, ҳудудда мазкур масалага жиддий ёндашилишти. Жумладан, жорий йилда ҳам йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Бу билан, аввало, аҳолига қўлай шарт-шароит яратиш, уй-жойга талабни қаноатлантириш мақсад қилинган.

Андижон шаҳридаги “Андижон ёғ-мой” корхонаси 1950-йилларда қурилган. Ҳозир фаолият юритмаётган корхонанинг 12 гектар майдонда қиймати 80 миллион долларлик арзон ва замонавий кўп қаватли турар жой массиви ҳамда савдо-кўнгилочлар масканлар қурилиши режалаштирилмоқда. Бундай лойиҳалардан кўзланган мақсад ишлаб чиқариш корхоналарини шаҳар четига олиб чиқиш ҳамда хоржий инвесторларни фаол жалб қилишдир.

Бўш турган ерларда 3000 дан зиёд хонадонли 48 та кўп қаватли уй-жой, савдо мажмуаси, кўнгилочлар масканлар бунёд этилиши мамлакатимизда инсон қадрини бирламчи ўринга чиқарганига ишора. Зеро, бунинг ортидан 7500 оила уй-жой билан таъминланиб, 1000 та доимий иш ўрни очилади. Бобур шаҳридаги

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тонг сахардан белини маҳкам боғлаб ишга отланадиган меҳнаткаш эл яна бир тонгни қутиб олиш учун куч йиғиши, ором олишини ҳамма табиий қабул қилди. Зеро, бу ерликлар қуёш нур сочмай туриб, кўчасидаги райхону жамбил, ҳовлисидидаги экинларни сугоради. Келинлари тонг ёришмай кўча супуриб бўлади. Саксонга кирган оқсоқоли ҳам бекор ўтиролмайдик. Ёшу қари кафтдеккина томорқасида куймаланади, рўзгорини буттайди. Бир парча ери бўш қолса, кўнглининг бир жойи кемтик бўладики, қўли қадок эл бу!

Шунинг учун бу юртнинг сув чиқмас тақир ерларида ҳам гул унади. Президентимиз “Қани энди, имкони бўлса-ю, бу сўлим диёрга тез-тез келиб, сиз, азизлар билан чин дилдан ирикчиб суҳбатлашсам. Чунки сир эмас, мен доимо сизлар каби мард ва танги, қалби — Аллоҳда, қўли — ишда бўлган инсонлар билан учрашиб, мулоқот қилиб, ўзим учун беқиёс маънавий куч оламан, руҳланаман. Ишонч билан айтиш мумкинки, Андижон заминидида Янги Ўзбекистон гоёси, Янги Ўзбекистон нафаси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда, халқимизни баланд-баланд марраларга ундамоқда”, деганида мулоқо ҳақ гапни айтганди.

Дарҳақиқат, водий гавҳари — Андижонда тонг ёришмай ҳаёт қайнай бошлади. Новвойлар ёпган иссиқ нон буйи таралди. Ҳар бири тирикчилик кўйида шошиб юрган одамларнинг гала-говуридан уйқумизни тарқатиб юборганида, соат мили эндиғина бешини кўрсатаётганди. Одамлардаги гайрат, шижоат руҳимизга кўчди-ки, борар манзилмиз — Президентимиз янги ном берган Бобур шаҳрини, янги Андижонни тезроқ кўришга ошиқдик.

Икки чети гулга тўлган кўчалар бўйлаб Андижон туманидаги адирликлар бағрига кириб бордик. Ҳар ер-ҳар ерда қийғос очилган қизғалдоқлар сайилга чорлайди, аммо вақт тигизилгидан манзил сари йўлни давом эттиради. Бобур шаҳрига қираверишда байроғимизнинг адир узра чизилган улкан тасвири кўнглини гурур ҳиссига тўлдирди. Бундан 4-5 йил аввал вилоятнинг Хўжаобод туманига қарашли “Хидирша” массивида, адирликда қурилган кўп қаватли уйларни кўриб ҳайратлангандик. Шундай жойида ҳам яшаб бўларканми, сув етиб борадими, деган саволларга жавоб излагандик. Ландшафт имкониятидан фойдаланиб, каскад усулида жойлашган уйларни ўз кўзимиз билан кўргач, тепалиқда ҳам тўқис шароит яратиш мумкинлигига гувоҳ бўлган эдик. Шунинг учун янги массивдаги уйларда ундан ҳам яхши шароит мажбулликка ишончимиз комил эди. Уйларнинг 63 тасида аста-секин янги ҳаёт бошланаётганини кўриб ҳавасимиз келди. Бу уйларга 1770 та хонадон жойлашади. Сув, электр, умуман, инсон рисоладагидек яшаши учун керакли барча ресурс мавжуд.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда илк бор адирликда кўп қаватли уйлар қуришни синовдан ўтказган андижонликлар бутун бу борада хитойлик, туркиялик ҳамкорлардан кам ишламайпти. Янги тажрибага киришилгач, ишсиз ёшлар юртни обод қилиш, тарихий бунёдкорлик ишларидида иштирок этишдек шарафли юмушга жалб этилди. Шу тариқа ёшлар юрт бунёдкори бўлиб, иш билан бандлиги таъминланди. Бобур шаҳрида жорий йил яна мингдан зиёд хонадон учун 40 та янги уй қуриб битказилади. Режадаги уйлар сони 2 мингтага етказилиши керак. Мазкур турар жойга муҳтож қанча-қанча оилаларнинг орзу-сини рўёбга чиқаради. Энди бу тажриба янада оммалашади. Президентимиз Андижон вилоятини комплекс ривожлантириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда мутасаддиларга мамлакатдаги барча қир-адирдан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишни топширди. Шубҳасиз, бунда Андижон тажрибаси ўзига хос намуна бўлади. Вилоятнинг ўзида уй-жой қуриш билан боғлиқ ишлар кўлами тобора кенгайди.

“

Бобур шаҳридаги замонавий спорт комплекси ҳам аҳоли саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлардан далолат. Қуни кеча бу ерда илк бор ўтказилган “Eco-Save Aral — 2025” халқаро хайрия ва экологик оммавий югуриш марафони келажакда ташкил этиладиган нуфузли спорт тадбирларига дебоба бўлди. Яқин йилларда Бобур шаҳрининг “Янги Ўзбекистон” боғига келадиган меҳмонлар Бобур бобомиз ва авлодлари бунёд қилган тарихий обидаларнинг макетларидан иборат тематик паркни ҳам кўришга муваффақ бўлади. Насиб қилса, боғда ҳар йили ўтказиладиган рассомлар фестивалида минглаб гўзал асарлар намойиш этилади.

замонавий уйларда яшаётганлар сингари бу уйларда ҳам ёш оилалар эмин-эркин истикомат қилади. Зеро, Бобур шаҳрида аксарияти кўп йиллар битта ҳовлида тиқилиб қолган оилалар бахтиёр яшапти. Уларнинг нафақат ўз уйи, янги мактаби, болалар боғчаси, 250 кишига хизмат кўрсатадиган поликлиникаси бор. Шу ерда ишлаши учун енгил саноат корхонаси ҳам мавжуд. Қолаверса, Бобур номи билан аталадиган иттисоқлашган боғча, мактаб, университет, музей, кутубхона ва IT парк қабиларнинг барпо этилгани инсонни қадрлашнинг энг гўзал кўриниши эмасми!

Буни биз суҳбатда бўлган кўплаб оддий ва танги одамлар шукрона билдириб, энди Андижонда ҳам “Янги Ўзбекистон” боғи борлиги ҳақида тўққинлашиб гапиряпти. Олтинқўлиқлар, булоқбошлиғи избосканликлар “Президентимиз бизнинг туманга келди. Қилаётган ишларимиздан хурсанд бўлиб кетди”, деб гурурланиб гапирди. Кўргонтепа ва Хўжаобод аҳли тез орада чегара ҳудудлар ҳам обод бўлиб, саноат зонасига айланишини айтиб мақтанди.

Хушҳаво боғдаги ўриндикда нафас ростлаб, турфа гуллардан завқланаётган Динахон ая Мажмаинова Андижон туманидаги Жевачи маҳалласидан.

“Мана шундай тоза ҳаволи жойда қурилган шинам уйларга ҳавасимиз келипти. Жияним шу ерда яшапти. Ҳамма шароит бор. Ҳавосининг тозалигини айтмайсизми! Тоғнинг ҳавосидан қолар жойи йўқ. Ёнида шундай катта, ажойиб боғи бор уйлар бахтли одамларга насиб қилади-да. Бу боғни барпо этилган ҳам муродиға етсин!” дея дуоға қўл очади онахон.

Чиндан ҳам 4000 гектар майдонда барпо этилаётган Бобур шаҳри рўпарасидаги 19 гектарли дилқушо “Янги Ўзбекистон” боғини кўрган, у ҳақда эшитганининг қалбиди ҳавас уйғоняпти. Вилоят марказидан узоқда яшаётганлар “Шу боғ жуда чиройли бўлибди-а? Телевизорда кўп кўрсатыпти-да. Бир бориб кўриб келсак бўларкан”, деб бир-бирини илҳомлантиряпти.

Боғдаги ўн минг тупдан ортқ манзарали дарахт кўчати, бута ва гулларни экишда

тажрибали дизайнерларнинг тавсияшди. Эътиборлиси, боғдаги гиёҳлар асосан, ёмғир суви билан тўйинади. Сугориш тизими ҳам замонга мос — томчилатиб сув берилади. Исроиллик, хитойлик ҳамкорлари билан оға-инидек бўлиб кетган андижонлик йигитлар томчилатиб сугориш технологиясининг ҳадисини олган. Энди бундай ишларни ўзлари мустақил бажармоқда. Ишининг чин кўнгилдан, тўғри бажарилиши ортидан эса хосилдорлик ортапти. Андижоннинг янги боғидаги гулу гиёҳ, дарахтлар шу ҳолида тупроққа маҳкам ўрнашса, яшнаб яшаса, яқин йилларда жуда гўзал манзара ҳосил бўлишини кўз олдимизга келтирдик.

Етмиш ёшни қаршилаётган Зарифахон ая Бобоқонова бу ерда жуда катта иш бўлгани, қилинган меҳнатлари айтишгагина осон эканини таъкидлаб қўш бошлади.

— Бир парча томорқамизни обод қилиш учун қанча тер тўкамиз. Гектар-гектар сариқ тупроққа шуна нўҳолни ўтказиб, ҳаёт бахш этиб қўйишни айтинг. Шу ерда меҳнат қилганларга минг марта раҳмат, — дейди онахон. — Янги уйларга янги боғ жуда ярашибди. Бизнинг Хўжаободда ҳам адирга шунақа чиройли уйлар қурилди, қизим. Президентимизга раҳмат.

Ҳа, яхшидан ҳам қолди, дейди халқимиз. Эртанги эгалари, Бобур издошларига мерос бўлажак ва маскан ички ва ташқи туризмга ҳам муносиб хизмат қилади. Зеро, шу кунларда вилоятнинг турли ҳудудидан бу ерга келатган юртдошларимиз узоқ-яқиндаги қариндошларини ҳам янги шаҳарга, шу баҳона қизғалдоқ сайига чорламоқда. “Энди Андижон ўз меҳмонларини Ўзбекистоннинг Швейцариясига қиёсланадиган Хонободигана эмас, Бобур шаҳрига ҳам фахру гурур билан бошлаб келди”, дейди янги шаҳарликлар.

Дарвоқе, энди хонободлик аҳолининг сайёҳликдан даромад топиш имкони янада кенгайди. Шаҳардаги Кампировот маҳалласидаги 92 гектар ҳудудга туризм маркази ташкил қилинади. Бу ҳам айни мудоао. Зеро, Хонобод ўзига хос табиати билан ҳам сайёҳлик ривожига салмоқли хисса қўшиб келаятган ҳудудлардан. Президентимиз туризм марказлари Булоқбошидаги Ширмонбулоқ, Хўжаободдаги Тошота маҳаллаларида ҳам ташкил қилинса, қўшимча 1 миллион сайёҳни жалб қилиш учун барча имконият борлигини айтиб ўтди.

Кейинги йилларда ушбу ҳудудларда сезиларли даражада иқтисодий ўсиш кузатилади. Корхоналар кўпайиши ҳисобиға аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳажми ошди. Умуман, вилоятда инвесторлар билан кенг қўламдаги ҳамкорлик ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ўтган бир йилда вилоятда импортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш қиймати 3,7 триллион сўмдан 7,5 триллион

сўмга, яъни 2 баробар ўсишига эришилди. Буларнинг барчаси оддий одамлар ҳаётида акс этгани учун ҳам улар бу ҳақда яхши билади. Фарзандлари ишли бўлиб, хонадонига барака қираётганидан далолат бу. Андижондаги йиғилишда янги Ўзбекистон шукуҳи ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллага кириб бораётганини қайд этилди. Ўтган йили вилоятда 4000 дан зиёд янги тадбиркор иш бошлаган, 450 минг киши ишли бўлгани айтилди. Аслида, мақсад ҳам шу — ислохотлар одамларнинг кундалик ҳаётида акс этиши керак. Шундагина улар ҳаётдан рози бўлиб яшайди.

Андижон аҳли бошқа ҳудудлар аҳолисиға нисбатан икки қарра зиёд бош қотирмасе, кам ухласе, кўпроқ ишламаса бўлмайди. Чунки аҳолиси зич, ҳудуди кичик вилоятда яшаш осон эмас ахир. Шу боис, у ерда бор имкониятдан унумли фойдаланиш, иқтисодиётта ҳам ижодий ёндашув талаб этади. Ҳозир вилоят аҳолисининг даромадини ошириш, туҳум ва парранда гўштига эҳтиёжини қоплаш мақсадида хонадонларда ҳамда фермер хўжаликларни ҳудудларидида ариқ, коллектор ва зовурларда ўрдак боқиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шу орқали гўшт ва туҳумга эҳтиёж қопланмоқда.

Бутун Андижон нафақат ижтимоий-иқтисодий соҳада, балки санъат ва маданият йўналишида ҳам янги Ўзбекистон руҳини ўзида ҳам этган ҳудудга айланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг маданият вазири уйма-уй юриб, соҳа вакиллари ҳолидан хабар олганида бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.

Улар бу ташрифни одамлар раҳбарларни эмас, раҳбарлар одамларни йўқлаб келадиган тизимнинг амалдаги бир кўриниши дея қувонди.

Маданият ва санъат ҳодимлари қуни Андижонда кўтаринки руҳда ўтказилганида ҳам рамзий маъно бор. Президентимиз “Янги Ўзбекистон” боғида сўзлаган нутқида “**Бобур шаҳри миллий маданият ва санъатимиз, ўзбекона меҳмондўстлик, бағрикенглик ва ҳамкорлиқни акс эттирадиган ўзига хос кўзгу бўлиши зарур. Мана шу замонавий амфитеатр саҳнасида, мана шу гўзал боғда халқимизнинг нодир санъати доншо намойиш этилиб, улуг шоирларимиз шеърлари янграб турса, айни мудоао бўлади. Бу оқшом ушбу янги маданият мақсадида атоқли санъаткорлар ва истеъодли еш ижроичлар иштирокида бўлиб ўтадиган концерт дастури шу йўлда эзгу аънанани бошлаб беради, десак, тўғри бўлади**”, деган эди.

Бунинг исботи ўлароқ боғнинг янги саҳнаси илк бор маданият ва санъат ҳодимлари



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Т-446.
36811 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусахҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 00:10 Топширилди — 02:00